

## БОҚИЙ ФИКРЛАР

**Билак билан  
битмаган  
Билим билан  
битар.**

Ўзбек халқ мақоли

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Фармони

**Б.Ю.ХОДИЕВНИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРИ  
ЛАВОЗИМИГА  
ТАСДИКЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Баходир Юнусович Ходиев ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 1 март

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Фармони

**А.Р.МАРАҲИМОВНИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ  
ЛАВОЗИМИГА  
ТАСДИКЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Авазжон Раҳимовиҷ Мараҳимов ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 2 март

# ТАШРИФИНГ МУБОРАК ЎРТИМГА, БАХОР!



Мухаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

О'zbekiston  
RESPUBLIKASI  
MILLIY EJTAHAD PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiga boshlagan 2010-yil 3-mart, chorshanba № 17 (8250) ISSN 2010-6416

*Mart – fizika, kimyo va  
biologiya fanlari oyligi*



## ЎҚУВЧИ БИЛИМИНИ БОЙИТАЁТГАН ОМИЛЛАР

Фарғона вилоятида Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 11та мактаб курилди.

Фарғона тумани Сойбўйи қишлоғида кўркам ва замонавий қиёфа касб этган 31-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда қад ростлаган қўшимча спорт зали, фан кабинетлари, лаборатория, компьютер хонаси, ошхона улар ихтиёрида. Ўқитувчилар ҳар бир фан ойлиги доирасидаги маш-

гулотларни яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб олиб бормоқдалар. Бу эса, ўқувчилар билим доирасининг кенгайишига туртки бўлмоқда.

Суратда: Фарғона туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчи Зулайҳо Собирова март – физика, кимё ва биология фанлари ойлиги доирасида навбатдаги амалий машғулотни ўтмоқда.

Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

### МАТЕМАТИКА VA FIZIKA:

tulash nuqtani topiné?

5-бет

### ОРҚА ПАРТА:

Ўқитувчи назоратидан  
«пана» ҳудудами?

7-бет

### АНДИЖОН ОБСЕРВАТОРИЯСИ

унда амалий машғулотлар  
ҳам ташкил этилади

16-betga qarang.

11-бет



# ИНОВАЦИОН ФОЯДАР - ТАРАККИЙЕТ ОМДАИ

## **Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси давом этмокда**



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан учинчи бор ташкил этилган мазкур тадбирда қатор вазирлик ва идоралар, банклар, турли тармоқ корхоналари, жумладан, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, Фанлар академияси тизимидағи илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари иштирок этмокла.

Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши муво-фикаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ярмарка Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рафбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда.

Ушбу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг яна бир самараси бўлиб, янги ғояларни амалиётга татбиқ этиш, илм-фан ва саноатни юксалтириш ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оши-

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ги маъruzасида мамлакатни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи етакчи аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

Пойтахтимизда Республи-

**2010-yil – Barkamol avlod yilları**

жарувчи А.Исҳоқов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори В.Каримова ва бошқалар халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни мустақил фикр, соғлом ва теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга

лаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда марказ турли вазирлик ва идоралар билан биргаликда етакчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият намояндалари, маънавият тарғиботчилари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масала-лари бўйича маслаҳатчилар, моҳир педагог ва психологлар иштироқида турли маърифий лойиҳалар, илмий анжуманлар, маънавий-

ка. Мэйнэвийт таргыбет мэр-мухаббат, миддий, истик- маэрифий талбияттар, давра-

ка маънавият тарбибот марказининг 2009 йилда юртимизда миллий ғоя тарбиботи ва маънавий-маърифий йўналишда амалга оширган ишлари якунлари ва 2010 йил – Баркамол авлод йилида белгиланган устувор вазифалар ижросига бағишланган мажлисида ушбу масалаларга асосий эътибор каратилди.

Унда марказнинг Қоралпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари мутасаддилари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, маънавият тарғиботчилари, олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этили

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, “Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори вазифасини ба-

муҳаббат, миллий истиқ-  
лол ғояларига садоқат ру-  
ҳида камолга етказиш ис-  
лоҳотларнинг пировард  
мақсадини ташкил этиши-  
ни таъкидлади. Маънавий-  
маърифий соҳада амалга  
оширилаётган кенг кўлам-  
ли эзгу чора-тадбирлар  
халқимиз маънавиятининг  
тикланиши, бой тарихий  
меросимизни чукур ўрга-  
ниш, умрбоқий анъана ва  
урф-одатларимизни ас-  
раб-авайлаш, маданият,  
таълим, санъат, илм-фан  
каби соҳаларнинг изчил  
ривожи, ёшлар тафаккури-  
нинг юксалиши каби жара-  
ёнлар билан уйғун ҳолда  
олиб борилаётир.

Юртимиздаги барча таълим-тарбия, маънавият ва маърифат масканларида ёшларга пухта билим бериш баробарида уларни ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган инсонлар этиб тарбия-

маърифий тадбирлар, давра сұхбатлари, фестиваллар, семинар-машғулотлар үтказди.

Айни пайтда таълим мас-канларида үқитилаётган «Маънавият асослари» фанига оид билимни ёшлар онгига чуқур сингдириш, маънавият сабоқлари, ушбу йўналишдаги кўрик-танловлар, анжуманлар самара-дорлигини оширишда, йигит-қизлар қалбида руҳий поклик, маънавий бедорлик каби туйғуларни мустаҳкам қарор топтиришда, уларни ахлоқсизлик, гиёҳвандлик, хавфли юқумли хасталик-лар, «оммавий маданият» каби иллатлардан огоҳ этишда маънавият тарғиботчиларининг хизмати катта бўлмоқда.

рининг «Баркамол авлод иили» Давлат дастури доирасидаги вазифалари белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**  
**ЎзА мухбири**

дий, хукукий билимини юксалтириш борасида амалга оширилаёт-ган кенг кўламли ишлар ўзинини юксак самараларини бераётганини таъкидладилар.

Бу жиҳатлар миллий матбуотимизни ривожлантиришга доир эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-куватлашва рағбатлантириш, билим ва кўникумларини янада ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ана шулар жумласидандир. Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Журналистлар уюшмаси қатор ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, ўқув семинар-машғулотларини мунтазам ташкил этиб келмоқда. Ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилувчи “Атиргул” танлови ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Бу йилги танловда телерадио-каналлар, газета ва журналлар, интернет нашрларда меҳнат қилаёт-

бўлим муҳаррири Шоҳиста Бозорова, Коракалпогистон телерадиоканали «Мусиқий дам олиш ва кино-дастурлар» бош муҳарририяти муҳаррири Улболған Еримбетова, «Андижанская правда» газетаси бўлим мудири Лариса Капустина, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Ёшлар студияси» лойиҳаси муҳаррири Назирахон Маҳсудова, «Паркент тонги» газетаси мухбири Дилфуз Миробидова, «Саодат» журнали жамоатчи мухбири Насиба Ризаева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА фан, таълим, маданият ва маънавият бўлими мудири Назокат Усмонова, «Ёш куч» журнали мухбири Адолат Файзиева, Хоразм вилоятидаги «Тўмарис авлоди» газетаси муҳаррири Шарқия Эшжонова, «Оила ва жамият» газетасининг масъул котиби Дилфуз Кўзиева каби журналистлар бор.

каси Баш вазирининг ўринбосари,  
Республика хотин-қизлар қўмитаси  
раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.  
**(ЎзА)**

(ъзА)

# ИСТЕДОД ЭЪТИРОФИ

Муҳаммад Умаров Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. З-мактабнинг биринчи синфига қабул қилинганида ёнда санъатга қизиқиш устозларининг эътиборини тортган, содда ва камсукум болакай катта-кичик тадбирларнинг файзли ўтишига, албатта, ўз улушини қўшар эди. Баъзан бўш вақтларида телевизор ёнида ўтириб, ҳарбий оркестрларнинг чиқишиларини томоша қилас экан, уларга жуда-жуда ҳаваси келар, болалик олами билан уларнинг сафиди ўзининг ҳам соз чалишини тасаввур этарди.

Ана шу иши ёк билан у республика мусиқа ва санъатга ихтисослашган мактаб-интернатига хужжатларини топшириди. Илм масканига ўкувчиларни қабул қилишнинг эса ўзига хос талаблари бор эди. Мутахассислар унинг иқтидорини ҳар томонлама ўрганишди. Ҳатто дамли асбобларни чалишга қобиллиги нуқтаи назаридан жисмоний саломатлиги ҳам кўриқдан ўтказилди. Ниҳоят ўкишга қабул қилинган Муҳаммад учун завқли дамлар бошлини. У ҳар бир машғулотни орзиқиб кутар ва катта қизи-

киш билан устозлари кўрсатмаларини тақрорларди.

— Муҳаммад тиришқоқ, шунингдек, туғма қобилият соҳиби. Айни пайтда ундағи меҳнатсеварлик, хушфөъллик истедодининг сайқал топа боришига хизмат қиласяти. Топширилган вазифани кўнгилдагидек аддо этмагунча шуғулланышдан эринмайди, — дейди устози Қадамбой Исмоилов. — Ўтган йил баҳорида «Санъат гунчалари» кўриқ-танловининг республика босқичида 2-ўринни эгаллаши унинг учун дастлабки катта довон вазифасини ўтаган эди.

Болалар ва ўсмирларнинг халқаро кўриқ-танловида якакон ижрочи сифатида иштирок этган Муҳаммаддинг чиқиши нуғузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан юқори баҳоланиб, 3-даражали диплом билан тақдирланди.

Муҳаммад Умаров айни кунда интернатнинг 8-синфида аъло баҳолар билан ўқиш баробарида симфоник оркестр чоргу асбоблари, хусусан, кларнет ижрочилигини синчилаб ўрганмоқда.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА  
И.ХАСАНОВ олган сурат.**



Barkamol avlod – mamlakat kelajagi

Албатта, катта давраларга чиқишининг ўз маданияти, қолаверса, унча-мунча кишини ҳаяжонга солиб кўювчи жиҳатлари бор. Муҳаммад бу борада ҳам устозлари мадади, кўмагига таянди. 2009 йилнинг декабрида халқаро кўриқ-танловга йўл олар экан, энди у турли маммакатлардан келган истедод эгалари қаторида саҳнага чиқишига ўзини руҳан тайёрлаган, ижроларини маромига етказган эди. Шу боис ҳам унинг чиқиши фаҳрли 3-ўринга лойик топилди.

Яқиндагина эса у Санкт-Петербургдан юртимизга ёруғ юз,

қувонч билан қайтиб келди. Икки босқичдан ибодат болалар ва ўсмирларнинг халқаро кўриқ-танловида якакон ижрочи сифатида иштирок этган Муҳаммаддинг чиқиши нуғузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан юқори баҳоланиб, 3-даражали диплом билан тақдирланди.

Муҳаммад Умаров айни кунда интернатнинг 8-синфида аъло баҳолар билан ўқиш баробарида симфоник оркестр чоргу асбоблари, хусусан, кларнет ижрочилигини синчилаб ўрганмоқда.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА  
И.ХАСАНОВ олган сурат.**

Чимбой туманидаги 9-умумтаълим мактаби 2009 йилда Мактаб таълимими ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 66 млн.110 минг сўмлик маблаг ҳисобига капитал таъмирланди. Шунингдек, 40 млн. сўмлик ўкув жиҳозлари келтирилиб, ўкувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозирда мактабда 16та фан ва бта спорт тўгараклари фаолият юритиб, фан йўналишига 257 нафар, спорт йўналишига 136 нафар ўкувчи қатнашмоқда.

Яқинда ўтказилган волейбол мусобақаси мактаб жамоасининг спорт билан қай даражада шуғулланётганлигини намоён этиди. Туман бўйича барча мактаб ўқитувчилари ўзаро беллашган ушбу мусобақада 9-умумтаълим мактаби ўқитувчилари жамоаси 1-ўринни эгаллаб, туман ҳалқ таълими бўлими ва касаба уюшмалари қўмитаси томонидан I даражали диплом ҳамда қиммат баҳо совфалар билан тақдирланди.

Мактабга шунингдек, мактаб таълимими ривожлантириш давлат дастури асосида 3 дона

## ҚИШЛОҚ МАКТАБИ ЮТУҚЛАРИ

Jarayon

Мактабнинг кимё, физика, биология лаборатория хоналари, ёғоч ва металл ўймакорлиги устахоналари, расм, чизмачилик хоналарида ўкувчилар дарсда дарсдан ташқари вақтларда ҳам ўз устиларида ишлашлари учун кенг имконият яратиб ўйилган. Спорт зали, футбол, кўл тўпи майдончалирида зарурий спорт анжомлари етарли.

Жорий йилда Республикада ўтказилган «Келажак овози» кўриқ-танловида ушбу мактабнинг 7-синф ўкувчиларидан икки нафари анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича туман босқичида 1-ўринни, республикада фахрли ўринларни ўтказилади.

Мактабда ўкувчиларни касбхунарга йўналтириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Мактаб психологининг тестларидан ўтища боланинг бирорта касбхунарга оид қизиқиш ва мойиллиги тўлиқ камраб олинади.

Қишлоқ мактабидаги ютуқларни кўриб кўзингиз қувонади. Бу — табиийки, юртимизда фарзандлар камолотига қаратилаётган эътибор самарасидир.

**Софигбой ЎРАЗИМБЕТОВ,  
журналист**

## МАҲОРАТЛИ ЎН УЧ МУАЛЛИМ

Қашқадарёда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриқ-танловининг вилоят босқичи якунланди

Муаллимлик — шарафли ва сермашақдат касб. Бу касб бекорга иғна билан қудук қазишга қиёсланмаган. Тажрибали муаллим ўз устида мунтазам ўтказилади, изланади. Илгор педагогик услубларни фаолиятида кўллади. Шахсан ўзи ҳам худди шундай долзарб услубларни яратиш устида ишлайди...

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриқ-танлови ана шу касб эгалари орасидан энг сараларини танлаб олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Бу йилги танловимизга 13та фан йўналишида туманлардан юлиб деб топилган энг муносиб ўқитувчilar таклиф қилинди, — дейди Қашқадарё вилояти ХТБ таълим маркази бошлиғи Ҳикматилла Зулфиқоров. — Мавжуд 14та ҳалқ таълими бўлимларидан ўз фанлари бўйича юлибларга нисбатан келтириш мумкин...

лишида 7 кишилик ҳакамлар ҳайъати адолат мезонлари асосида иш олиб борди.

Муборак туманининг 1-мактабида ўтказилган танловда юлиб деб топилган Касби туманидаги 32-мактабнинг физика фани ўқитувчisi О.Нусратовнинг дарс ишланмалари, педагогик концепциялари юқори баҳога сазовор бўлди.

Худди шунингдек, Қамаши туманининг 7-мактабида ўтказилган география фани бўйича юлибларни кўлга киритган Нишон туманидаги 7-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчisi Насиба Кўчарованинг синфдан ташқари ишлари байнномаси ва иш фаолияти бўйича видео

Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларининг барча фанлар бўйича иқтидорли ва қобилиятли ўқитувчilarини аниқлаш, қўллаб-куватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш мақсадида Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчisi» кўриқ-танловининг Самарқанд вилоят босқичи ниҳоясига етди.

Ўн уч нафар фан ўқитувчilarи иштирокида ташкил этилган кўриқ-танловнинг шаҳар ва туман босқичлariда умумтаълим мактабларидан ташриф буюрган 15 минг нафар педагог-ўқитувчи иштирок этганди. Ана шу қуий босқич беллашувларida уларнинг 208 нафари юлиб сифатида сараланиб, вилоят босқичида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

— Танловнинг ушбу босқичида иштирокчilar мутахассислиги бўйича тайёрлаб келган ишлари, амалий машғулот ва ноанъанавий услубдаги дарслари, иш тажрибаларини тақдимот қилдилар, — дейди вилоят ҳалқ таълими бошқармаси таълим маркази директорининг ўринbosari Зайниддин Нуриддинов. — Уларни малакали педагог-ўқитувчilar, мутахассислардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Танлов жараёнида бир-биридан иқтидорли ва ижодкор ўқитувчilar аниқланди. Шулардан 13 нафари юлиб деб топилиб, республика босқичида иштирок этиш хукуқини кўлга киритди.

## ИҚТИДОРЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

— Танловда жами 97 балл тўпладим, — дейди Қўшработ туманидаги 15-умумтаълим мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчisi Диляфрўз Улашова. — Фан ютуклари, ўқитиш услублари, самарадорликни ошириш бўйича амалга оширилаётган изланишлар, чет эл педагогларининг тажрибалари билан якундан танишганлигим голибликни қўлга киритишинга асос бўлди. Энг муҳими, ҳамкасларимдан ноанъанавий дарс ўтиш, янги педагогик технологиялар, дарс ўтишнинг ўзига хос услубларини ўргандим. Бу — танловнинг кейинги босқичларида, албатта,

асқотади.

Ўқитувчи бола қалбига йўл топа олмас экан, унинг синфа ўзлаштириш ва самарадорликни эришиши қийин. Педагог дарсга алоҳида тайёргарлик билан кириши, ҳар бир ўқувчисининг ички дунёси, қизиқишилари, орзу-ҳаваслари билан танишиши, кези келганд, уларга дўст ва сирдош бўла олиши лозим. Ана шундай ўқитувчигина ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдек машақатли ва масъулиятли вазифани адо этиши, элнинг, юртнинг ишончини оқлаши мумкин. Танловда иштирокчilarнинг айнан шу йўналишдаги ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Кўриқ-танлов голиблари айни пайтда якуний республика босқичи беллашувларига қизин тайёргарлик кўришимоқда.

**Ҳаким Жўраев.  
Самарқанд вилояти**



«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАХАРЧАСИ ҲОКИМЛИГИ, «КАМОЛОТ» ЁИХ ШАХАРЧА БЎЛИМИ, шу ҳудуддаги олий ва ўрта МАССУС ТАЛЬИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БИЛАН БИРГА ТАЛАБАЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТГА ЖАЛБ КИЛИШ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИНГ МАЗМУНЛИ ЎТИШНИ ТАЪМИНЛАШ, ЭНГ МУҲИМИ, ЁШЛАР ОРАСИДАГИ ИКТИДОРЛИ СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРГА КЎМАК БЕРИШ МАҶСАДИДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИБ КЕЛИНАЯПТИ.

Шаҳарча «Маҷнавият ва маҶрифат» марказида бўлиб ўтган тадбирга Ўзбекистон каратэ федерациясидан ҳалқаро тоифадаги спорт устаси, 12 карра Ўзбекистон чемпиони, жаҳон чемпиони Жамшид Абдулбақеев, мамлакат чемпионлари — Шерзод Маҳкамов, Сайджон Рашидов, Аслхон Мадаминов Ўзбекистон жанг санъати федерациясидан қора белбог соҳиби, 2 карра Ўзбекистон чемпиони, жанг санъати бўйича ёшлар терма жамоаси мураббийси Лаура Кушимбетова, Ўзбекистон жанг санъати республика терма жамоаси бош мураббийси Сардор Содиков ташриф буюргани.

Шулар билан бир қаторда Ўзбекистон жанг санъатининг биринчи қалдирғочлари ҳисобланган, ҳалқаро тоифадаги спорт устаси Мушарраф Маҳмудова,

Анвар ҚОБИЛОВ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТ МАҶАЗИДА «СОЧ — ЯРИМ ХУСН» МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН БЕЛЛАШУВ КЎПЛАБ ҚИЗЛАРНИНГ ДИД-САВИЯСИ ВА ЮҚСАК МАҲОРАТИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.

Жумладан, кўплаб хунарлар устаси бўлиб борадётган қизлар сартарошлиқ, либос дизайнни каби тўғаракларда олган билимлари асосида яратган ўз ижод намуналарини саҳнага олиб чиқдилар. «Ёш либосчи», «Ёш ижодкор», «Гўзаллик маликаси», «Нафосат маликаси», «Жозиба маликаси» каби номлар остидаги номинациялар ҳайъат аъзолари томонидан энг истеъододли қизларга топширилди.

Ш.АСРАНОВА

«БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОКЛАБ...». ҲАССОС ШОИРА, ТОНГ КУЙЧИСИ ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ УШБУ МИСРАЛАРИНИ ЭШИТМАГАН ЁКИ ШЕЪРЛАРИНИ СЕВИБ ЎҚИМАГАН КИШИ БЎЛМАСА КЕРАК.

Пойтахтимиздаги 300-мактабда Зулфия таваллудининг 95 йиллигига бағишилаб ўтказилган тадбир ана шундай номланди. Ушбу адабий-бадиий кечада Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси Методика маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигидаги ташкил этилди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, тумандаги барча мактабларнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ҳамда миллий фоя туркумiga киравчи фан методистлари, ижодкорлар ва «Ёш педагоглар» мактаби лидерлари иштирок этдилар. Унда сўзга чиқсанлар Зулфияхонимнинг ilk шеърлари, шоирага шуҳрат келтирган асарлари ҳақида сўз юритиб, Зулфия ҳаётининг асосий қисми турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжоннинг адабий меросини ўрганиш ва нашр эттириш ишига бағишиланганлиги, шоирнинг «Семург ёки Паризод ва Бунёд» достони асосида кўғирчоқ театри учун «Семург» пьесаси ҳамда «Зайнаб ва Омон» опера-либреттосини ёзиб, ўзининг




БУТУН ДУНЁНИ АЙЛАНИБ ЧИҚҚАН ҲАВО КЕМАСИ ЯНА ТОШКЕНТГА КЕЛИБ ҚҮНДИ. ЙЎЛОВЧИЛАР ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ 34-МАКТАБНИНГ 1-«А» СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БЎЛИБ, УЛАР ДУНЁНИНГ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРИГА САЁХАТ ҚИЛИБ ҚАЙТИШДИ.

Ҳайрон бўлманг, бу 1-«А» синф ўқувчиларининг «Саводхонлик байрами» ҳақидаги жумлалар эди. Ўзига хос сюжет, чиройли саҳна кўринишига эга бўлган ва саргузаштларга бой бу тадбир болажонларнинг чинакам байрамига айланди. Байрам аввалида болалар «ҳаво кемаси»га ўтириб, «саёҳат»га ўйл олиши. Ҳар бир давлатга борганиларида шеърлар айтиб, рақсга тушдилар, хуллас, алифбе китобидан олган барча билимларини амалда кўрсатдилар.

— Ноодатий тадбирнинг ўзига хос томони шундаки, болалар унда катта қизиқиш ва иштиёқ билан иштирок этилди, — дейди бошланғич синф ўқитувчи Зилола Сайдхонова. — Бу эса уларни янада фаол ва жамоатни бўлишига, ёдлаган шеър ва кўшикларини эркин ифода этишга ундейди.

С.МУЛЛАЕВА



ЎЗ ҲАЁТ ЙЎЛИ БИЛАН БОШҚАЛАРГА ЎРНАК БЎЛГАН МУТАФАККИЛARНИ ҲАЛҚИМИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «ТУРОН» АҲБОРОТ-КУТУБХОНА МАҶАЗИНИНГ ЎҚУВ ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, АТОКЛИ АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН АДАБИЙ-МАҶРИФИЙ КЕЧАДА АНА ШУ ФИРК ЯНА БИР БОР ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПДИ.

Дастлаб Озод Шарафиддинов ҳаёт йўли ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Тадбирда адабиётшунослар, талабалар, устознинг шогирдлари, яқинлари, шунингдек, ёш аскарлар иштирок этилди.

Академик Бахтиёр Назаров сўзга чиқиб, мутафаккирнинг адабиётга бўлган меҳри ва шижоати ҳақида алоҳида тўхтади. Шоир Мирпўлат Мирзо устозига атаб ёзган «Буюклик» шеърини ўқиб берди. Мумтоз қўшиқларнинг ижро этилганлиги кечани янада жонлантириди. Профессор Умарали Норматов эса устоз билан боғлиқ хотираларини йигилганлар ўтиборига ҳавола этди. Тадбирни Ўзбекистон ҳалқ шоири Иқбол Мирзо ўзининг ижод намуналари билан якунлади.

Икром МУСАЕВ

«БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОКЛАБ...». ҲАССОС ШОИРА, ТОНГ КУЙЧИСИ ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ УШБУ МИСРАЛАРИНИ ЭШИТМАГАН ЁКИ ШЕЪРЛАРИНИ СЕВИБ ЎҚИМАГАН КИШИ БЎЛМАСА КЕРАК.

Садоқатини намоён этганлиги хусусида гапириши. Шоира Зулфия Мўминова эса, устозига атаб ёзган шеърлари билан йигилганларни баҳраманд этди.

Мактаб ўқитувчisi Марҳабо Курбонованинг «Миллий фоя туркумiga киравчи фанларни ўқитишида Зулфия ижодининг тутган ўрни» мавзусидаги электрон тақдимоти барчада яхши таассурот қолдирди. У шоирининг жаҳон адабиётидаги бир нечта асарларни ўзбек тилига моҳирона таржима қилиб, ўзбек таржимонлик санъатига улкан хисса кўшганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомидаги шоира ижодига бағишилаб ўқувчилар томонидан мусикий чиқишилар килинди. Шунингдек, Зулфия ижодига оид китоблар, рисолалар ва мақолалардан иборат кўргазма ҳам ташкил этилди.

Соҳиба СОТИМБОЙ қизи  
Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



МАҚТАБНИНГ КЕНГ ВА ЁРУФ ФАОЛЛАР ЗАЛИ ҮҚИТУВЧИЛАР БИЛАН ГАВЖУМ. КИМДИР ДЕВОРГА ПЛАКАТ ИЛГАН, ЯНА КИМДИР ҮЗИ ТАЙЁРЛАБ КЕЛГАН КЎРГАЗМАЛИ КУРОЛЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ БИЛАН БАНД. ЗАМИРА СОБИРОВА БУ КАБИ ТАДБИРЛАРДА КЎП БОР ИШТИРОК ЭТИБ, ТАЖРИБА ОРТТИРГАН БЎЛСА-ДА, ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН УНИНГ ҚАЛБИДА БИР ОЛАМ ҲАЯЖОН. ТАДБИР ТУМАН МИҶЕСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН БЎЛСА ҲАМ, УНДАГИ РАҚОБАТ МУҲИТИ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИ БИЛАН БАРОБАР ЭДИ-ДА.

Дарҳақиат, Учтепа туман ҳалқ таълими бўлими математика фанни методисти Гулжон Ҳудойбердиева бошчилигида ташкил этилган ҳақамлар ҳайъати ижодкор ўқитувчилар томонидан тайёрлаб келинган ишларни бешта йўналиш бўйича баҳоладилар. Унга қўра, таълим сифати ва мазмунини ошириша хизмат қилувчи энг яхши методик кўлланмалар танлаб олинди. Фестиваль сўнгида 193, 251, 245, 107, 116, 129 ҳамда 197-мактаб педагогик жамоаларининг методик кўлланмалари турли иштирок этиб, бир ой давомида орттирган билим ва малакаларни амалда кўрсата олди.

— Ойлик давомида ҳар бир мактабда очиқ дарслар, билимдонлик беллашувлари, болажонларни музаккирларни мактабда информатика фанларида доир билимларни юксалтиришга қартилган турли тадбирлар ўтказилди. Бугунги тадбир ана шу ишларнинг сарҳисобидир, — дейди туман XTB методика хонаси мудири Муяссар Маҳмудова.

Санжар РУСТАМОВ

... АВВАЛЛАРИ А.ЧЕХОВ ЎЗИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ЖИДДИЙ ҚАРАМАС, ЎЗИНИ ФАҚАТ ШИФОКОР ДЕБ БИЛАРДИ. АДАБИЁТ УНИНГ УЧУН КАМХАРЖЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИ, ЙЎҚЧИЛИҚДАН КУТУЛИШ ВА ТИРИКЧИЛИК ЎТКАЗИШ ВОСИТАСИ ЭДИ, ХОЛОС...

Албатта, бу қайдлар жаҳон адабиётидаги ўзига хос мавқега эга бўлган Антон Павлович Чехов асарлари мухлисларининг ўтиборини тортмай ўқимайди. Хўш, у ўзувчилик ўз қисмати эканини қаҷон ва қандай англаб, келажак йўлини белгилаб олди? Бу каби саволларга жавоб топмоқ учун «Тил ва адабиёт таълими» журналининг яқиндагина нашрдан чиқсан биринчи сонини мутолаа қилмоқ керак. Таҳририят ходимлари 2010 йилда ҳам ўз аънаналарини давом эттириб, журнал мундарижасини янада бойитишга ҳаракат қилгандар. Журнал бош мухаррири Раъно Толипова ўз чиқишида бу гал «Она тилини ўқитиш муаммолари» хусусида фикр юритади. «Тил таълими уч босқичдан иборат: 1) тил ҳақида билим бериш; 2) бу билимлар асосида нутқий малакани шакллантириш; 3) ҳосил бўлган малакани кўнижмага айлантириш», деб ёзди музалиф мавзу доирасида ўз таълифларни ўртага ташлар экан. «Адабий таъкид» руқнида педагогика фанлари доктори Улуғбек Долимов «Ойбек кашф этган «Навоий» мавзусига кўл урган бўлса, Жамила Йўлдошова ва Муҳајиб Истоиловалар «Ночор туйғуларни кўркам ифодалаган ёзувчи» сифатида А.Чеховнинг ижоди ва ҳаётига назар ташлайдилар.

Шунингдек, журналхонлар нашрни варажлар экан, «Методика», «Адабиётшунослик», «Мактаб саҳнasi учун», «Четнини ўқитиш масалалари», «Нутқунослик» сингари руқнларда эълон қилинган долзарб мавзулардаги материаллар билан ҳам танишишлари мумкин.

О.МУРОДУЛЛАЕВА





## Mart – fizika, kimyo, biologiya fanlari oyligi

O'qituvchining u yoki bu fandagi o'zaro bog'liqlikni o'quvchilarga tushuntirishi va o'quv jarayonida undan mohirona foydalanishi samaradorlikni ta'minlovchi omildir. Ilgari matematika kursi materiallarini o'qitishda boshqa fanlardan olingan bilimlarga ham tayanilgan (masalan, matematikadan harakat qonunlariga doir masala va misollar yechishda fizik bilimlar qo'l keladi).

Matematikada o'tiladigan materiallar ham o'z navbatida boshqa fanlarning o'qitilishida asqotadi (masalan, matematikadagi "Ko'rsatkichli funksiyaning xossalari" mavzusi fizikadagi "Radioaktiv moddalarning yarim yemirilish davrini hisoblash" mavzusidan oldin o'tiladi).

O'qituvchi o'z mehnatini osonlashtirish uchun fanlararo aloqadorlikka tegishli materiallarni tanlashi, kartochkalar tuzishi va unga qisqa, zarur ma'lumotlarni yozib borishi lozim. Masalan:

ko'rinishda bo'lishini, grafikning ko'rinish koeffitsiyenti son qiymatiga qanday bog'liqligini o'quvchilar mustaqil aniqlashlari lozim. Ushbu tushunchalarni quyidagi masala orqali bilib olish qiyin emas.

**Masala.** Ikkita A va B nuqtalardan bir-biridan 90 m. oraliqda bir vaqtida, bir tomona yo'nalishda ikki jism harakatlana boshladi. Birinchi jism A nuqtadan 5m/s. tezlik bilan, ikkinchi jism esa B nuqtadan 2m/s. tezlik bilan harakatlangan. Qancha vaqtida birinchi jism ikkinchisini quvib yetadi? Har bir jismning ko'chishi qancha? Masala mantiqiy va grafik usulda yechilsin.

Berilgan:

$$x_{02} = 90 \text{ m}; v_1 = 5 \text{ m/s}; v_2 = 2 \text{ m/c.}$$

$$s_1 - ? \quad s_2 - ? \quad t - ?$$

**Yechish.** 1. A nuqta X o'qining boshida va shu o'q bo'yicha jism harakatlanmoqda, deb olamiz. U holda

Jumladan:

**Birinchi turdag'i topshiriq.**  $x_0 = 0; v_0 = 0, a = 0; x_0 = 0$  va  $a = 0$  xususiy hollarda (1) tenglamani izohlang.

O'quvchilarga harakat tenglamasi oldindan ma'lum. Ular topshiriq bo'yicha har bir holat uchun jism harakatining xarakterini bilishi kerak.

**Ikkinci turdag'i topshiriq.** Jismning boshlang'ich tezliksiz, tekis tezlanuvchan harakatlanish shartlarini ifodalang.

**Uchinchi turdag'i topshiriq.** Berilgan jismning harakat tenglamasi  $x = 10 - 4t - 3t^2$  bo'lsa, tekis tezlanuvchi harakatda tezlanish  $a_x < 0$  ekanligi tasdiqlanadi? Javobingizni izohlang.

Kinematika materiallari bo'yicha bunday turdag'i topshiriqlar fizika va matematika fanlarining o'zaro bog'liqligini bilishdan tashqari o'quvchilarning mustaqil ishslash

har birini tushuntirishda fanlararo aloqadorlikdan foydalanish mumkin.

$P = \frac{F}{S}$  bosim formulari qiyatlarning to'g'ri va teskari proporsionalligini ko'rsatadi. Bu esa o'quvchilarning  $y =$


$kx$  va  $y = \frac{h}{x}$  funksiya xossalari haqidagi bilimlarini chuqurlashtiradi. Paskal qonunini o'rganish, gidravlik mashinaning ishlash tamoyilini ta'minlaydi. F kuch va S yuzani hisoblashda proporsionallik xossasidan:  $p_1 = p_2$  bosimlar teng bo'lganligi uchun kuch va yuza orasidagi munosabat quyidagicha yoziladi, ya'ni

$$\frac{F_1}{S_1} = \frac{F_2}{S_2}.$$

Berilgan idishdagи suyuqlik bosimini hisoblashda, o'quvchilarning matematika kursidan (to'g'riburchakli parallelopiped hajmi) olgan bilimlari va oddiy matematik almashtirishlardan

# MATEMATIKA VA FIZIKA:

## tutash nuqtani toping?



jism harakatining tenglamasi quyidagicha bo'ladi:  $x_1 = v_1 t$ ,  $x_{01} = 0$ ,  $x_2 = x_{02} + v_2 t$  (1). Bu yerda:  $x_1$  va  $x_2$  birinchi va ikkinchi jism larning koordinatalari. C nuqtada birinchi jism ikkinchisiga yetib oladi,  $x_1 = x_2$ ,  $t = t_1$  yoki yuqoridagi formulani

$$v_1 t_1 = x_{02} + v_2 t_1 \quad (2)$$


ko'rinishda yozish mumkin.

Bu yerda  $t_1$  jismning C nuqttagacha harakatlanish vaqtida.

Tenglama (2)dan jismning harakat

$$vaqtini topamiz: t_1 = \frac{x_{02}}{v_1 - v_2};$$

$$t_1 = \frac{90}{5 - 2} c = 30 c. \quad \text{U holda jism ko'chishi quyidagicha bo'ladi: } s_1 = x_1 - x_{01} = v_1 t_1, s_2 = x_2 - x_{02} = v_2 t_1, s_1 = 5 * 30 m = 150 m, s_2 = 2 * 30 m = 60 m.$$



harakat tenglamasini yozamiz:  $x_1 = v_1 t$ ,  $x_2 = x_{02} + v_2 t$ . U holda vaqt koordinatasini 1 va 2 dan iborat bo'ladi. C nuqtaning koordinatasini topamiz:  $t = 30 c$ ,  $x_1 = x_2 = 150 m$ . Ma'lumki, birinchi jism ikkinchisiga 30 s. dan keyin yetib olar ekan. Jismning ko'chishi mos ravishda  $s_{1x} = x_1 = 150 m$  va  $s_{2x} = x_2 - x_{02} = 60 m$ . ga teng bo'ladi.

Shuningdek, o'quvchilarning tafakkurini kengaytirish uchun turli xil topshiriqlar berilishi mumkin.

qobiliyatlarini ham rivojlantiradi.

"Kinematika asoslari" bo'limi oxirida "Aylanma tekis harakatda tezlik" mavzusi berilgan. Fizika o'qituvchisi oldin geometriya kursida o'tilgan markazi yurchak va aylana haqidagi tushunchani o'quvchilarning esiga tushirishi lozim.

Shuningdek, "Dinamika asoslari" bo'limi o'tilayotgan vaqtida ham fizika bilan matematikaning o'zaro aloqadorligidan, ya'ni matematikaga doir vektorlar, koordinatalar, tenglamani yechish va tenglamalar sistemasi kabi tushunchalardan foydalanish mumkin. Nyuton qonunlarini vektor va skalar ko'rinishda yozishda yuqorida keltirilgan tushunchalar bo'yicha matematika tayanch vazifasini bajaradi.

Ma'lumki, Nyutonning II va III qonunları  $\vec{F} = m\vec{a}$ ,  $\vec{F}_1 = -\vec{F}_2$  formulalar bilan ifodalanadi. Agar teng ta'sir etuvchi kuch nolga teng bo'lsa, ( $\vec{a} = 0$ ) u holda tezlik o'zgarmas, ( $\vec{v} = \text{const}$ ) tezlanish nolga teng bo'ladi ( $\vec{a} = 0$ ) (Nyutonning I qonuni). Masalalar yechish uchun vektor ko'rinishdagi formulalarning koordinata o'qiga proyeksiya modullari quyidagi ko'rinishda yoziladi:

$$F_{x_1} = m a_{x_1}, F_{1x} = -F_{2x}, F = m a, F_1 = F_2.$$

Shuningdek, "Taranglik kuchi", "Saqlanish qonuni", "Mexanik tebranish va to'qinlar" mavzularini o'tishda, matematikidan vektorlar, trigonometrik funksiya, chiziqli tenglama va sistemalar, koordinata o'qiga impuls proyeksiysi, matematik mayatnikning tebranish davri kabi tushunchalardan foydalaniladi.

"Qattiq jism, suyuqlik va gazning bosimi" mavzusi bo'yicha qattiq jismning bosimi, suyuqlikning hidrostatik bosimi, atmosfera bosimi, Arximed kuchi va uning qo'llanilishi o'rganiladi. Ushbu tushunchalarning

foydalanadi:

$$P = \frac{F}{S}, F = P = gm; m = \rho V; V = Sh; U$$

$$\text{holda } F = g \rho Sh; p = \frac{gpSh}{S} \quad p = g \rho h.$$

Bu yerda balandlik  $h$  va bosim  $p$  orasida to'g'ri proporsional va funksional bog'lanish mayjudligini bilish taqozo etiladi.

"Issiqlik miqdori", "Tok kuchi, kuchlanish, qarshilik" mavzulariga doir masalalar yechishda fizik kattaliklarning funksional bog'lanishlariga amal qilinadi. Masalan, tok kuchi, kuchlanish va qarshilik orasidagi funksional bog'lanish Om qonuni formulasi

$$U$$

$$I =$$

R orqali ifodalanadi. Bunda o'quvchilarga matematika bo'yicha yuqoridagi kattaliklar bog'liqligining grafik tasvirini singdirish zarur bo'ladi, ya'ni  $I = f(U)$   $R = \text{const}$  va  $I = f(R)$   $U = \text{const}$ . Shuningdek, o'tkazgichning solishtirma qarshiligi haqida tushuncha berilganda ham qarshilik o'tkazgichning uzunligiga, ko'ndalang kesim yuzasiga va materialiga bog'liqligini proporsionallik orqali tushuntirish qulay.

"Mexanik to'qin va tebranishlar" mavzusi o'tilayotganda, matematika alohida o'ringa ega. Masalan, matematik mayatnikning davri, amplitudasi va boshqa kattaliklarning hisoblashga doir masalalar yechishda quyidagi tenglamalarni bilish talab etiladi:  $T = \frac{1}{v} \sqrt{\frac{2\pi}{I}}$ ,  $x = A \sin \frac{2\pi}{T} t$ .

Fizaviy mazmundagi masalalar yechish analitik-sintetik metod, koordinatali metod, algoritmi metod, modellashtirish metodlarini qo'llash orqali amalga oshiriladi.

Yuqorida berilgan misollar matematika fanining fizika bilan qay darajada aloqador ekanligini ko'rsatuvchi dalillardan ba'zilari, xolos. Ammo dars va mashg'ulotlar jarayonida bunday tenglama va masalalar ko'plab uchrashi mumkin. Uni tushunish va o'z navbatida o'quvchilarga yetkaza olish o'qituvchining mahorat va tajribasiga bog'liq.

Baxti XOLMATOVA,

Jizzax shahridagi

11-maktabning oly toifali matematika fani o'qituvchisi

$$s = vt, \quad v = v_0 + dt, \quad s_x = v_{0x} + \frac{a_x t^2}{2}$$

formulalarda qaysi kattaliklar argument va qaysilari funksiya ekanligini, bu funksiyalarning grafiklari qanday



**2009–2010-o'quv yili «Ma'naviy-ma'rifiy  
ishlar samaradorligi o'quv yili»**

Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатида “Маънавий юксаклик — баркамоллик шакли” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирга Ўзбекистон халқ ўқитувчиysi Шоҳида Орирова бошчилигида пухта ҳозирлик кўрилганлиги мактаб-интернат дарвозасидан киришингиз билан яққол кўзга ташлаади. Тадбир доирасида ташкил

гирдлари ёрдамида ёритиб берди. Мавзуни мустаҳкамлаш учун “7 мўъжиза” шоу-танловидан фойдаланилди. Тезкор савол-жавоб тарзида ўтказилган шартларда иштирокчилар ўз билим ва маҳоратларини намойиш этди.

Бир соатлик ноанъанавий дарс усулида ўтган анжуман доирасида мактаб-интернатнинг “Зилола”, “Бохтарзамин йигитлари” фольклор

## МУҲОКАМАДА АСАР МУТОЛААСИ

етилган кўргазмадан ўқувчилар томонидан ясалган кўргазмали куроллар, буклетлар, альбомлар, макетлар ўрин олган. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан анжу-манга таклиф этилган маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари уларни томоша қиласи, янги мақсадлар, режалар ҳақида ўйлай бошладилар.

Семинар-тренинг бошланishi олдидан мактаб-интернат ҳақидаги видеолавҳа намойиш этилди. Шундан сўнг иштирокчилар бугунги тадбирнинг мақсад ва вазифалари, дастури билан таништирилди.

Олий тоифали тарих фани ўқитувчиси Ойгул Исмоилова ўқувчилари билан “Мевали дараҳт” ўйинини ўтказди. Ҳар бир гурӯх берилган топшириклиарни шархлаб берди.

“Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш” деб номланган иккинчи бобни тарих фани ўқитувчиси Нортожи Усанов шо-

дастаси ранг-баранг миллий чи-кишлари билан барчага кўтаринки кайфият улашди.

Интерфаол тарзида ташкил этилган навбатдаги дарснинг муаллими 4-ихтисослашган мактаб-интернат директори ва жамоаси бўлди. Ўқувчилар эса туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари услубчилари, мактабларнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, “Миллий истиқлолғояси: асосий тушунча ва тамоийиллар” туркумига киравчи фан ўқитувчилари эди.

Кун бўйи давом этган қизиқарли тадбирдан иштирокчилар оламолам тажриба, билим ва таассурот олдилар.

Анжу-мана якунидан қатнашчилар Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси мажмуаси, қадимиј Термиз ёдгорликлари ва Султон Саодат ансамблига саёҳат қилишиди.

**Норкувват ТЎРАЕВ,  
“Ma'rifat” мухбири**

Сирдарё педагогика коллежида ўқувчи-шарбанинг ташабуси билан вилоятнинг ўтмиши ва бугунни акс этирувчи тарихий музей ташкил этилди. Ушбу музейдан узоқ ўтмишдан дарак берувчи осори-атиқалар, вилоятнинг туман ва шаҳарлари тарихига оид экспонатлар, бунёдкорлик ишларига хисса кўшган фахрий инсонлар ҳақидаги маълумотлар ўрин эгаллаган.

Ёш авлодни миллий қадрияларга содиқ, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ҳамда “Баркамол авлод йили” муносабати билан илм масканида “Вилоят тарихини биласизми?” мавзусида ташкил этилган кўрик-танлов доирасида ана шу музейнинг тақди-

моти ўтказилди. Дастрраб тадбир иштирокчилари музейни кўздан кечирдилар, ўқувчи-шарбанинг экспонатларни тўплаш жараёнидаги фолликларини эътироф этилар.

Музей тақдимотидан

**Taqdimot**

сўнг, тадбирнинг интеллектуал қисми бошланди. Унда ўқувчилар гуруларга бўлинниб, саволларга жавоб бердилар, вилоят тарихи ва бугунни акс этирувчи саҳна кўринишларини намойиш этишди. Ҳар бир шарт бўйича қишилар ҳақамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

— Бугунги тадбир менда катта таассурот қолдириди, — дейди Гу-

листон давлат университети кафедра мудири Омон Сувонов. — Айниқса, музейдаги қисқа фурсатда тўпланган, бой тарихимиздан дарак берувчи экспонатлар, ўқувчиларнинг аклий салоҳијати, бадиий қишиларини кўриб баркамол авлод — мамлакат таяничи эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Тадбир сўнгидаги коллекцияни раҳбари Ифтихор Ўроқов кўрик-танловни ташкил этишда фаол иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчиларга миннатдорчиллик билдирилди ва голиб гуруга ЎМҚҲ бўшармаси ва “Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлумининг фахрий ёрлиқ ва эсадлик совғаларини топшириди.

**С.ШОКИРОВА,  
коллеж ўқитувчиси**

ўйинчоқ томон ҳаракат килишга унданг. Агар фарзандингиз юришга тайёр бўлса, ўйинчоқни баландроқса олиб кўйинг, у ўйинчоқка қўлини теккизишга ҳаракат қилсин.

Инсон танасидаги тўқималар мияда онгли боғламларнинг шаклланишида энг зарурӣ хомашёдир. Агар бола танасидаги тўқималар соғлом бўлса, у эмаклаш ва юришга барваqt ҳаракат қилади.

Институтимизнинг «Мактабгача, бошлангич ва маҳсус таълим» кафедрасида боланинг илк ўшидан бошлаб уни ақлий ва жисмоний ривожлантиришга йўналтирилган ушбу ўйин-машқларни жамлаш масаласига эътибор қаратдик.

Тингловчилар хўкмига буларни ҳавола килганимизда, улар ҳар қандай ота-она ёки тарбияни бирор қўшиқни билди. Ана шу кўшигингизни хиргой қилинг. Болани бағрингизга босинг, аввал оддий, кейин майн оҳангда овозда қўшиқ айтар экансиз, бола диккәт-эътибори турғуллашётганини кўрасиз. Демак, ҳар қандай овоздаги хиргой болада диккәтни тўплашга доир малакани шакллантиради. Шу йўл билан бола нутқ моҳиятини англашга ўрганади.

4-ўйин «Эмаклаб, ўйинчоқка бор» шиори остида ўтказилади. Болангиз эмаклай бошлагач, унинг бу ҳаракатини ана шу ўйинда синаб кўриш мумкин. Хонанинг бир бурчагига ўйинчоқ қўйинг. Ўзингиз полга чўккалаш ўйинчоқ томон эмакланг. Маррага етиб боргач, уни кўлингизга олиб, ўйинчоқ номидан бошлангизни чақириб, олдимга эмаклаб кел, деб айтинг. Уни

## ОДДИЙ ЎЙИН-МАШҚЛАР

**замерида эса катта  
мақсад мужассам**

Мактабгача ёшдаги болаларни илк давридан бошлаб ҳаётга тайёрлаш масаласи ота-оналарни, педагогларни, шу соҳа мутахассисларини ҳамиша ўйлантириб келади. Таълим узлуксиз жараёнга айланган ҳозирги даврда мактабгача таълим мусассалари гарданига ҳам катта вазифалар юқланмоқда. Болани оилавий шароитдан мусассаса мухитига тайёрлашда ҳар бир ота-онанинг ўзига хос тажрибалири бор.

Германиялик педагог олимпийлардан бири Жеки Сильберг томонидан яратилган ўйин-машқлар тўғлами гўдак онги, ҳислари, идрокни ўстиришига қаратилган бўлиб, ўз мазмунни ва мақсадига кўра, болани таълим жараёнга тез ва сифатли тайёрлашни назарда тулади. Уларни коррекцион таълимий вазифалардан келиб чиқиб ташкил этиш фарзандларимизда учрайдиган ҳиссий-эмоционал бузилишларнинг олдини олиш, уларнинг катталар ва тенгдошлари билан муносабатларини яхшилашда мухим роль ўйнайди.

Ушбу ўйин-машқларнинг барчаси овонтириш ҳаракетида бўлиб, асосан, жажжиларнинг нутқини ўстириш, уларда ижобий қайфият ҳосил қилиш, билимини мустаҳкамлаш, фаоллаштириш мақсадларига хизмат қиласи. Ўйин-машқлар ишланмаси ўз мазмунига кўра ривожлантирувчи, тузилишига кўра мұжас-

самлашган бўлиб, фарзандларимизни ақлий, ҳиссий, жисмоний, маънавий жиҳатдан тарбиялаш боришида муҳим омил бўла олади. Машқлар таркибига ривожлантирувчи мухит воситаларидан фойдаланиб, таълимий, ҳаракатли, мазмунли ўйинлар киритилган.

Ота-она, тарбиячи 75 таълим ўйин-машқдан фойдаланиш жараённида асосий диккәт-эътиборни боланинг ақлий ривожлантишига, нутқ бойлигини оширишга қаратади. Бу машқларни бажариш жуда осон ва

кўп вақт талааб қилимайди. Энг мухим, жисмоний ва ақлий ривожлантишига хизмат қиливчи машқларни бола ота-онаси ёки бошқа яқинлари билан бажонидил бажаришига шубҳа йўқ. Бир жиҳатдан олганда, жисмоний ҳаракатларни қамраб олган бу машқлар оддий бадантарбия машқларига ҳам ўхшайди. Улардан айримларни мисол тариқасида келтириб ўтамиш.

1-ўйин. «Итариб юргизиш». Бир ўшдан ошган бола ҳар хил нарсаларни итариб ҳаракатлантиришини яхши кўради. Уларга буюмнинг ҳаракатини кузатиш, у ёки бу нарсани

айнан ўзлари ҳаракатга келтирганини кўриш, идрок этиш завқ бағишилайди. Нарсанни итариб, ҳаракатлантириш билан боғлиқ ўйинлар болада ўз имкониятларини англаб бориши асосида буюмлардан кучли эканлигини ҳис этишига ёрдам беради, ўзига ишонч ўйтотди, шунингдек, ҳаракатларини мувофиқлаштириш малакасини шакллантиришга шарт-шароит түғдиди.

Ўйин учун оғир бўлмаган юмшоқ ўйинчоқ, фидирекли машина ва шу каби енгил бу ю м л а р танланади. «1,2,3 к е т д и » деб ўйинчоқни итариб юбордин. Шу тарзида санашини давом этириб, болани ўйинчоқ билан ўйнашга унданг. Агар бола ҳаракатга чоғланса, демак, бу ўйин ўнга ёқкан.

2-ўйин «Қани, қани, мана-мана» деб номланади. Болани тиззангизга юзма-юз ўтказасиз ва шундай дейсиз: «Қани, қани, боши қани?» «Мана, мана боши», деб боланинг бошини бағрингизга олинг. Шу сўзларни унинг бурни, тирсаги, тиззаси, юзлари, кўллари, даҳанига нисбатан ҳам айтинг ва ана шу аъзоларини бағрингизга босаве-

## ИАМ МАСКАНИА ТАРИХИЙ МУЗЕЙ

**УНИНГ ЭКСПОНАТЛАРИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР  
ТОМОНИДАН ТЎПЛАНДИ**



ўйинчоқ томон ҳаракат килишга унданг. Агар фарзандингиз юришга тайёр бўлса, ўйинчоқни баландроқса олиб кўйинг, у ўйинчоққа қўлини теккизишга ҳаракат қилсин.

Инсон танасидаги тўқималар мияда онгли боғламларнинг шаклланишида энг зарурӣ хомашёдир. Агар бола танасидаги тўқималар соғлом бўлса, у эмаклаш ва юришга барваqt ҳаракат қилади.

Институтимизнинг «Мактабгача, бошлангич ва маҳсус таълим» кафедрасида боланинг илк ўшидан бошлаб уни ақлий ва жисмоний ривожлантиришга йўналтирилган ушбу ўйин-машқларни жамлаш масаласига эътибор қаратдик.

Тингловчилар хўкмига буларни ҳавола килганимизда, улар ҳар қандай ота-она ёки тарбияни бирор қўшиқни билди. Ана шу кўшигингизни хиргой қилинг. Болани бағрингизга босинг, аввал оддий, кейин майн оҳангда овозда қўшиқ айтар экансиз, бола диккәт-эътибори турғуллашётганини кўрасиз. Демак, ҳар қандай овоздаги хиргой болада диккәтни тўплашга доир малакани шакллантиради. Шу йўл билан бола нутқ моҳиятини англашга ўрганади.

4-ўйин «Эмаклаб, ўйинчоқка бор» шиори остида ўтказилади. Болангиз эмаклай бошлагач, унинг бу ҳаракатини ана шу ўйинда синаб кўриш мумкин. Хонанинг бир бурчагига ўйинчоқ қўйинг. Ўзингиз полга чўккалаш ўйинчоқ томон эмакланг. Маррага етиб боргач, уни кўлингизга олиб, ўйинчоқ номидан бошлангизни чақириб, олдимга эмаклаб кел, деб айтинг. Уни

**Зухра ФАЙЗИЕВА,  
Тошкент шаҳар педагог  
кадрларни  
қайта тайёрлаш ва  
малакасини  
ошириш институти  
доценти**



Билиш учун ўқиши керак, бу таълим мазмунини белгиловчи омил, ўқиши учун эса сабоқ олгувчидан билимга ташналий, интилиш талаб этилади. Ўз навбатида ўрганувчининг кизикиши ўргатувчининг изланувчанингига, ижодкорлигига боғлик. Бир сўз билан айтганда, «карс икки кўлдан чиқади» дегандари шу. Таълим тизимида ўрганувчи ҳам, ўргатувчи ҳам аниқ— ўқувчи ва ўқитувчи. Бу гал ушбу икки субъект иштирокидаги дарс жараёнининг кам каламга олинган кирралари ва уларга ота-оналарнинг муносабати хусусида сўз юритмоқчимиз.

Мактабимизга қачонлардир сабоқ берган собиқ ўқувчим бироз ташвиши киёфада ташриф буюрди:

— Устоз, сизга бир илтимос билан келганди.

— Бемалол айтаверинг, кўлимдан келса ёрдам берарман.

қолайлик) тенгдошимиз бўларди. Биз уларни ташки тузишига қараб «узун...», «калта...» деб атардик. Бойиси адашларнинг бириси найнов, иккинчиси паканагина эди. Улар ҳар кун мактабга камида биринчи соат яримлаганда узун-қисқа

рин. Оддий арифметика йўли билан қилинган ҳисобкитоблар ҳам дастлабки таассуротларимиз алдамчи эканлигини исботлайди. Одатда синфхонасининг узунлиги 8-10 метрни ташкил этади, ёзув тахтаси билан биринчи парта оралиғи камида икки метр бўлиши керак. Энг орқадаги парта билан кўргазмали куроллар сақланадиган жавон ўртасида ҳам тахминан шунча ма-софа бўлишини инобатга олсан, биринчи ва сўнгги партадаги ўқувчи оралиғи 4-5 метрдан ошмайди. Энди хулоса чиқарайлик, наҳотки шугина масофа ўқувчининг ёзув тахтасини кўришига, ўқитувчининг маърузасини тинглашига монеълик қил-

кил бир муддат ўқувчиларни синчков назардан ўтказди, кейин орқа ўриндицлардан биридаги қўлини юмиб-очаётган ўқувчига мурожаат этди:

— Сиз айтиб бера қолинг!

Ўзимни шарт-шурт берилган жавобни эшишига чоғлаб тургандим, акси рўй берди, қимтиниб ўринидан турган ўқувчи чайналишга тушди:

— Утган мавзу, ўтган мавзуз...

— Сиз ҳаяжонланманг, билганингизни айтаверинг, — жавоб берадиган ўқувчини рағбатлантиришига уринди вакил.

жойларида мактабгача таълим муассасалари ҳамма болаларни қамраб ололмагани боис, барча ўқувчилар ҳам мактаб таълимига етарили даражада тайёр бўлмайди. Бу биринчи синфга келган болалар таълим маскани тўғрисида оддий тушунчаларни эгалламаган дегани.

Одатда алифбо давриданоқ ўқувчилар ўртасида тоифаларга бўлиниш содир бўлади:

— аълочилар;

— ўрта ўзлаштирувчилар;

— қолоклар.

Боиси, ҳамма оилаларда фарзандини мактабга тайёрлаш, ўқишига рағбатлантириш бир хил даражада деб бўлмайди. Колаверса, бундай тоифалашнинг ёмон томони ҳам йўқ, факат ўқитувчи кейнги фаолиятида шуни ҳисобга олиб иш юритиши керак бўлади. Масалан, тажрибали ўқитувчи

# ОРҚА ПАРТА:

**ўқитувчи  
назоратидан «пана»  
ҳудуди?**



— Шу, тўнгич набирангизни мактабга жўнатиш қийин бўляяпти, ҳар куни эрталаб келинингиз икковимизни хуб ноб қилиб юборади.

Собиқ ўқувчимнинг илк фарзанди биринчи синфга қатнаётганини билардим:

— Нега, — сўрадим қизиқсениниб.

— Мактабга бормайман, деб хархаша қиласди.

Ажабо, кўп йиллик тажрибамдан 1-синф ўқувчилари тонг отгандан мактабга келиб олишларини билардим, нега бунинг фарзанди...

— Нима сабабдан?

— Ўқитувчиси нуқул орқа партага ўтқазиб қўяётган эмиш.

— Бир хонанинг ичи бўлса, орқа, олдининг фарқи борми?

— Мен ҳам шуни тушунтиришга уриниб кўрдим, лекин ўғлим сира унамаяпти, бола-да, ўқитувчисига бир оғиз айтиб кўйсангиз, илтинос устоз, йўқ деманг. Ўзим-ку ўқиб шаҳар ололмадим, шу ўғлим одам бўлса дегандим.

— Майли, айтарман, лекин орқа парталарда ҳам кимдир ўтириши керак-да.

— Устоз, нима қиласиз одамни қийнаб, орқада кимлар ўтиришини ўзингиз яхши биласиз-ку.

Собиқ ўртамиёна ўқувчимнинг оддийгина мuloҳазаси сабаб саволлар пўртасишига дуч келдим:

— қандай ўқувчи орқа партада ўтиради;

— нега у олдинги ўринларга интилимайди;

— нима учун синфхонасида ўқувчи доимо бир ўринга «боглаб» кўйилиши керак экан;

— бир хиллик ўқувчининг зерикишига олиб келмайдими?..

... Эсимда, 1-синфда таҳсил ола бошлаганимда икки отдош (исмларни сир тута

бўлиб келишар, дастлаб дўй-пўписа қилиб кўрган ўқитувчимиз кейинчалик уларга гап кор қилмаслигига ўргандими ёки бошланиб кетган машгулотини бузгиси келмасмиди:

— Ўтиргилар, — деб қўявларди норози оҳангда.

Икки отдош оналари читдан тикиб берган китоб халтларини (ўтган асрнинг олтмишинчи йилларни ўқувчи сумкаси камсонли синфдошларимиздагина бўларди) судраб, орқа партага, аллақачон «ўзлариники» қилиб олган ўринларига бориб «чўк»ишарди. Негадир ўқитувчимиз адашларни бир-биридан ажратмас, биз ҳам уларнинг алоҳида-алоҳида парталарда ўтиришини «ҳазм» қилолмас эдик. Адашларнинг ўзаро гурунги тинмас, унинг мавзуси қанчалик тор бўлмасин, дарс жараёнда ўзаро шивир-шивирга берилиб, устозимиздан дакки ўшитмаган кунлари йўқ эди ҳисоби. Иккаласи бир-бирига қолганда қанча гапдон бўлишмасин, бирон маротаба на униси, на буниси ёзув тахтаси олдига чиқиб, мавзуни ёлчитиб айтиб беришганини ҳалигача ўсполмайман. Ёзувлари ҳар фдан кўра сиёҳга ботириб юборилган чумолининг эгри-бугри изларини ўслатарди. Вақт ўтиши билан уларнинг синфхонада ўтиришганини нафақат биз, балки ўқитувчимиз ҳам унтиб кўядиган дарражага етди. Ёзги таътилни ўтказиб, юқори синфга келганимизда синфхонада адашлар кўриниш беришмади, суриншириб билсан, «билимларни мустаҳкамлаш учун» ҳар иккалasi аввалги синфда қолишган экан.

— Қани, болалар, ўтган дарсдаги мавзуни ким айтиб беради, — ўқувчилардан сўради вакил.

Дастлаб хонанинг у ер-бу еридан:

— Мен айтиб берай, мен айтиб берай, — деган овозлар янгради.

Кейин синфхонадаги 32 нафар ўқувчининг кўли боши узра кўтарилиди. Очиги, ҳавас қилса арзидиган манзара. Ўқувчилардан кўнгли тўлдими, ўқитувчи «Кимдан сўрасангиз ўзингиз биласиз», дегандек бизга жилмайиб бокди. Ва-

са? Йўқ, албатта.

Бу ерда гап масофада эмас. Ўтган йили мутасадди ташкилотдан келган бир вакил билан билим масканларидан бирига бордик. Вакил бошлангич синфларда таълим-тарбиянинг ахволини кўрмоқчи бўлди. Ҳар ҳолда қайси синфи ташлашни мактаб директорининг ўзига қолдирдик.

Директор бошлаб кирган шинамгина безатилган ўқувхонасида ўзи ишлаётган жамоада яхшигина обрўга эга ўқитувчи навбатдаги дарсни ўтишга тайёргарлик кўраётган экан.

— Қани, болалар, ўтган дарсдаги мавзуни ким айтиб беради, — ўқувчилардан сўради вакил.

— Мен айтиб берай, мен айтиб берай, — деган овозлар янгради.

Мамлакатимиз Президенти «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пой-девори» деб номланган нутқида: «... боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошлангич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб кўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади», дега бежиз таъкидламагандилар. Бундан кўриниб турнидик, бошлангич синф ўқитувчиси зиммасига тушади.

Бола анчагача тараддуланиб турди-да, сўнгра:

— Билмайман, — дед гуноҳкорона кўзларини ергатикиди.

— Ҳозиргина ўзингиз «мен айтаман» деб кўл кўтартгандигиз-ку?

— Домламиз текширувчилар нима сўрашса, ҳамманигиз кўл кўтаришлар, деб тайинлагандилар, шунга...

Энди гапнинг индаллосиға ўтрайлик, ўқувчидаги билим, қўнишка, малака мактабга илк қадам кўйган давридан бошлаб шакллантирилади. Бунда катта масъулият бошлангич синф ўқитувчиси зиммасига тушади.

Мамлакатимиз Президенти «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пой-девори» деб номланган нутқида: «... боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошлангич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб кўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади», дега бежиз таъкидламагандилар. Бундан кўриниб турнидик, бошлангич синф ўқитувчига айланниб, ўқитувчининг эътиборидан четда қолишиди. Энди бу табақаланишни ўзгартириб кўринг-чи?

Баъзан эса аълочи ўқувчилар ҳам орқа партани «кўмсаб» қоларкан. Демак, орқа парталар ўқитувчи назоратидан «пана»роқ ўриндик, деган тушунчанинг ўқувчиларда пайдо бўлишига ҳеч қачон йўл кўймаслик керак экан. Ҳамма гап ана шунда, масофада эмас...

**Абдунаби АБДИЕВ,  
Миришкор туманингидаги  
22-мактаб директори**





## ЯНГИ НАШР ЭТИШ БҮЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 9 MRT-2010.

Тендер номи: Дарслик ва ўқув-методик кўлланмаларни янги нашр этиш юзасидан тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳар 100159, Мустақиллик майдони, 5-й.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи мазкур тендер савдоларида дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларни нашр этиш учун нашриётларни таклиф этади.

Тендер савдоларида қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), туга-тиш ёки банкротлик босқинида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун

судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳукукига эга.

Қатнашчи буюртмачига шарномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга жавоб бериси лозим.

Дарслик ва ўқув-методик кўлланмаларнинг оригинал макетига бўлган ҳукуқ Буюртмачи ва Нашриётлар ўртасидаги шартномага мувофиқ Буюртмачига Нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларнинг номи ва нусхаси қўйидагилар:

Пакет рақами	Дарсликлар номи	Синфи	Таълим тили	Адади
1.	Ўзбек тили	3	рус	48 011
			қозоқ	7 447
			тожик	8 104
			қирғиз	1 049
			туркман	1 019
	Ўзбек тили (Методика)	3	қорақалпоқ	9 855
			рус	1 436
			қорақалпоқ	717
2.	Чизмачилик	8	ўзбек	520 768
			рус	32 940
			қозоқ	8 196
			тожик	9 053
			қирғиз	1 089
			туркман	1 013
			қорақалпоқ	10 996
	Чизмачилик (Методика)	8	ўзбек	12 136
			рус	948
			қорақалпоқ	724
3.	Физика	8	ўзбек	520 768
			рус	32 940
			қозоқ	8 196
			тожик	9 053
			қирғиз	1 089
			туркман	1 013
			қорақалпоқ	10 996
	Физика (Методика)	8	ўзбек	13 708
			рус	1 101
			қорақалпоқ	725
4.	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	8	ўзбек	520 768
			рус	32 940
			қозоқ	8 196
			тожик	9 053
			қирғиз	1 089
			туркман	1 013
			қорақалпоқ	10 996
	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (Методика)	8	ўзбек	14 155
			рус	1 118
			қорақалпоқ	724
5.	Инглиз тили "Fly High English"	8	ўзбек	362 349
			рус	29 621
			қозоқ	5 988
			тожик	5 436
			қирғиз	732
			туркман	631
			қорақалпоқ	9 862
6.	Чизмачилик	9	ўзбек	548 365
			рус	30 417
			қозоқ	8 533

7.	Чизмачилик (Методика)	9	тожик	9 327
			қирғиз	1 188
			туркман	955
			қорақалпоқ	10 684
8.	Физика	9	ўзбек	12 335
			рус	996
			қорақалпоқ	728
9.	Ўзбекистон тарихи (Методика)	9	ўзбек	548 365
			рус	30 417
			қозоқ	8 533
			тожик	9 327
			қирғиз	1 188
9.	Ўзбекистон тарихи (Методика)	9	ўзбек	9 327
			қирғиз	1 188
			туркман	955
			қорақалпоқ	10 684
9.	Инглиз тили "Fly High English"	9	ўзбек	13 798
			рус	1 061
			қорақалпоқ	726
9.	Ўзбекистон тарихи (Методика)	9	ўзбек	13 617
			рус	1 107
			қорақалпоқ	721
9.	Инглиз тили "Fly High English"	9	ўзбек	383 197
			рус	26 978
			қозоқ	6 043
			тожик	5 509
			қирғиз	768
9.	Инглиз тили "Fly High English"	9	туркман	588
			корақалпоқ	9 698

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маҳсус №20203000100101044002 (АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Мехнат филиали, МФО:00423, СТИР 201122808) ҳисоб рақамига 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўм ўтказганилигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридағи ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2010 йил 2 марта бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00дан 17:00гача тендер савдоларида тегишли кўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимиidan (манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-й, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар тақлифнинг умумий кийматининг икки фойзидан кам бўлмаган закалат суммаси билан бирга 2010 йилнинг 2 апрель куни соат 14:00га қадар юқорида келтирилган манзила топширилиши шарт. Тендер тақлифлари 2010 йил 2 апрель куни соат 15:00да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси 174-й.) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган тақлифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Тендер комиссияси ўзининг эҳтиёқорлик чораларидан келиб чиқсан ҳолда Тендер ҳужжатининг I боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига кўшимчалар киритиш орқали тақлифлар топширишнинг охирги муддатидан ўзгарган муддатта мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер тақлифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавоб



# ЯНГИ ИЛМ МАСКАНЛАРИ

## Баркамол авлод хизматида

Туркман қишлоғида 5-бта мактаб бор. Мактабнинг 9-синфини битирган ўқувчилар бироз муддат таълимнинг кеинги босқичини давом эттириш учун қишлоқдан йигирма-үтгиз чақирим наридаги коллежларга ҳужжат тоширишга мажбур эди. Узоқ қишлоқларга қатнаб ўқишининг ўзига хос қийинчилик ва муаммолари бор. Шунинг учун ҳам Зомин туманинг Туркман қишлоғи атрофидаги ҳудудда ўқийдитан болалар яқин-атрофда коллеж қурилишини орзу қилишар эди.

2009 иили ёшларнинг орзуши ушади. Туркман қишлоғида 360 ўринга мўлжалланган ижтимоий-иктисодий коллеж қуриб битказиди. Ҳозир у ерда 210 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўқувчилар банк иши, бухгалтерия, молия, ҳуқуқшу-

нослик, компьютер технологиялари ва бошқа йўналишлар бўйича таълим олмоқдалар.

— Қишлоғимизда мана шундай коллеж барпо этилиши бизга берилган имконият, кўрсатилган эътибордир, — дейди коллеж ўқувчиси Муқаддас Этамназарова.

— Икки қаватли замонавий ўқув масканида биз ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишимиз ва ҳунар эгаллашибиз учун шароитлар етарли. Ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техника воситалари ихтиёримида. Бу ўзимиз танлаган соҳа бўйича келгусида малакали мутахассисларидир. Шунинг учун ҳам ёшлар айни кунда

мизга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Коллеж раҳбари Олимжон Фаниқуловнинг айтишича, узоқдан қатнаб ўқийдиган ўқувчилар учун 50 ўринли ётоқхона мавжуд. Шунинг

ўқишиларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан биргалиқда, касб маҳоратларини ошириб бориш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

— Янги коллеж қишлоғимиз кўркига кўрк бағишиламоқда, — дейди қишлоқ оқсоқоли Бобобек Маматкаримов. — Бу ўқув маскани ёшларга билим бериб, ҳунар ўргатиш билан бирга қишлоғимизда тури тадбирларни ўтказишига ҳам хизмат қилаяпти. Спорт тўғракларида коллеж ёшлари билан биргалиқда қишлоғимиздаги ўсмирлар ҳам мунтазам машғулот ўтказиш имкониятидан баҳраманд бўлмоқдалар.

### Kollejlar hayotidan

**Астрономия** — энг қадими фанлардан бўлиб, унинг ёшини инсон тафаккури шаклланган ilk давр билан тенглаш тўғри бўлади. 1609 иили итальян олими Галилео Галилей томонидан кичик астрономик телескоп яратилиши астрономия фанида мисли кўрилмаган кашфиётларга асос бўлди. Айнан шу куни Юпитер атрофидаги 4ta йўлдош, Сатурннинг сирли ҳалқаси, Ойдаги гаройиб ҳодисаларнинг кашф этилиши муҳим воқеа тусини олди. Бу кашфиётга 2009 иили 400 йил тўлди. Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеяси 2009 иилни Ҳалқаро астрономия иили деб аташга қарор қилганди.

### Jarayon

ларидаги хорижлик мутахассисларнинг ҳам иштирок этиши кутилмоқда. Чунки Ўзбекистон, хусусан Андикон астрономик кузатувда асосий мезон бўлган "очик тунлар миқдори параметри" бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини заллайди. Бу эса портловчи-эрттив юлдузлар, янги юлдузлар, думли юлдуз-кометалар каби ноёб ҳодисаларни узлуксиз кузатиша кўл келади.

— Ўзбекистонда астрономия фани қадимдан ривожланиб кела-

## АНДИЖОН ОБСЕРВАТОРИЯСИ

### унда амалий машғулотлар ҳам ташкил этилади

2009 йил 15 январда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ҳалқаро астрономия йилининг очилишига расмий рұксат берилди.

Бу астрономия фанига жаҳон миёсига катта эътибор бериладигандан далолатдир. Астрономия фанига бундай эътиборнинг боиси шундаки, замонамизнинг кўп кашфиётлари коинотни ўрганиш соҳаларида кузатилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам астрономия фанини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуниси кувонарлики, бу фанни ривожлантириш борасида Андикон вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2008 иили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Андикондаги Боги Бобур мавзеисида астрономик обсерватория қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда мазкур ноёб қурилмадан Андикон давлат университети музаллимлари ва талабалари фойдаланишларидар.

Фарғона водийсида ягона хисобланган ушбу ўқув-илмий обсерваториядан Андикон, Фарғона ва Наманганд давлат университетлари ҳамда Кўён давлат педагогика институти талабалари фойдаланишлари кўзда тутилган.

Шунингдек, водийдаги академик лицей, касб-ҳунар колледжлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳам астрономия дарсларида обсерваториядан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Келгусида Андикон астрономик обсерваторияси илмий изланиш-

ётган соҳалардан бири. Шунинг учун мамлакатимизда коинотни ўрганувчи кадрлар тайёрлаш борасида астрономия алоҳида ўрин тутади, — дейди обсерватория раҳбари, ўз ФА Андикон ва Наманганд вилоятлари илмий маркази раҳбари Мўйдинжон Мўминов. — Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 10та олий ўқув юртида астрономия соҳаси билан шугулланувчи кадрлар тайёрлаб берилмоқда. Мазкур соҳа моддий-техник негизини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ушбу обсерваториянинг аҳамияти бекиёс. Денгиз сатҳидан 7850 метр баландлиқда жойлашган обсерваторияга ўрнатилган ноёб телескоп, энг замонавий техник воситалар ёрдамида коинотдаги ўзгаришларни кузатиш, мўъжизалардан баҳраманд бўлиш мумкин.

Фаолият олиб бораётган ўқув-илмий обсерватория Марказий Осиёда иккинчи бўлиб, биринчи ўқув-илмий обсерватория 2006 иили Самарқанд давлат университетида ишга туширилган эди. Бу жиддий илмий тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган обсерватория хисобланади.

Албатта, келгусида Андикон обсерваториясида олиб бориладиган илмий изланишлар, кузатишлар натижасида бизга ҳали маълум бўлмаган кўплаб коинот сирлари очилади. Бу билан само илмида ечимини кутаётган бир қатор саволларга илмий жавоблар олиш имконияти пайдо бўлади.

О.СИДДИҚОВ.  
Андижон вилояти.



Фан ойлиги доирасида 9-синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган "Сиз компютерни биласизми?" кўрик-танлови барчада катта таассусот қолдирди. Ушбу танловда ўқувчилар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича беллашдилар ҳамда компьютерда имкониятиларни намойиш этди.

Миробод туманинг 125-мактабда математика ва информатика фанлари ойлиги ана шундай қизиқарли тадбирларга бой бўлди. Ўқитувчилар томонидан ўюштирилган очик дарсларда ўқувчилар ҳам фаол қатнашди. Жумладан, математика фани ўқитувчиси Дурдана Абдураимованинг "Фазовий фигурулар билан танишиш" мавзусидаги очик дарси ноанъанавийлиги билан ажralib турди. Фан ойлиги якуннада фестиваль ўюштирилиб, ўқувчиларнинг ойлик давомида олган билимлари синовдан ўтказилди.

А.ХАЙДАРОВ олган сурат.

## БИТИРУВЧИЛАРГА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАШАЁТИР

Юртимизда ёшларнинг чукур билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратиладиган, лицей ва колледжларни битириб чиқаётган минглаб фарзандларимизнинг иш билан таъминланадиган кишини қувонтирумасдан кўймайди. Буни Наво-

шинасозлик заводида мөхир устозлардан ишнинг нозик қирраларини ўрганишишади. Асосийси, улар чизмалардаги деталларни устозлари кўмагида ўз кўллари билан мустақил яратишяпти.

Коллеж ва завод ўртасида ўзаро ҳамкорлик

Улуғбек Сатторов. — Чунончи, уларни Навоий машинасозлик заводи, 1-гидрометаллургия заводи ва бошқа ташкилотларда яхши қабул қилишяпти. Бир вақтнинг ўзида битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам шу корхоналарда ҳал бўляяпти. Бугунги кунда ўтган йилги битирувчиларимизнинг 100 фоизи, НКМК тизимида ҳамда бошқа ташкилотларда фаолият юритишмоқда.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ўзаро манфатли ҳамкорлик натижасида коллеж ўқувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ҳам ўз ечимини топган. Навоийлик ёшлар коллех ўқувчиларига ҳавас билан қарашмоқда.

Матърифат ШАРИПОВА.  
Навоий вилояти

### Milliy dastur — amalda

ий Кончилик касб-колледжи мисолида кўрадиган бўлсак, таълим масканида ўқувчилар ўзлаштирган билимларини доимо амалиёт билан уйғунлаштириб боришади. Колледжа ўқувчилар назарий билимлари амалиётини Навоий кон-металлургия комбинатининг йўналишлар бўйича тегишли ўқув тизимларида ўтшади. Токарлик касбини эгаллаш иштиёқидаги ёшлар Навоий ма-

шинасозлик заводида шогирд анъаналари яхши йўлга кўйилган. Амалиёт давомида ўзининг ижобий тарафларини кўрсатган кўплаб ўқувчилар бугун корхона ишчисига айланган.

— Ҳозирги кунда битирувчиларимиз ишлаб чиқарыш ҳамда дипломолди амалиётини мана шу комбинат тизимида корхоналарда ўтаятилар, — дейди коллеж директори



... Улар дунёдаги энг бўйчан жониворлардир. Улар бизга қадим-қадимда ана шундай баҳайбат ҳайвонлар, жумладан, динозаврлару тринозаврлар мавжуд бўлгани ва икlim ўзгаришлари туфайли неча минг йилликлар ичида йўқолиб кетганини эслатиб турди гўё. Замонамизинг энг кўзга кўринган кинорежиссеру ёзувчилари бир чеккада қолиб, баҳайбат ўтхўрлар тўғрисида олимлар зўр бериб асралар яратишга киришиб кетган дамда чиндан ҳам кўхна дунё не-не топилдиклару не-не йўқотишларга дуч келганига амин бўламиз.

Чиндан ҳам арабча "зарафа" сўзидан олинган, "ясантусан", "олифта", "безанган" каби маъноларни англатувчи ноёб маҳлукнинг бўй 5 ярим метргача чўзилади, ана шундай баландликка эга жирафаларнинг вазни 900 килограммча боради.

Афуски, бугунги даврга келиб, жуфттүёкли сутэмизувчи "олифта"ларни оддий шароитда учратишнинг имкони йўқ. Уларнинг қарийб тўқсон фоизи ҳайвонот боғларида ва муҳофаза қўлинувчи кўриқоналарда яшайди.

Узун бўйин умуртқасини "кўтириб олган" шундайин улкан гавдани тутиб туриш ва ҳаракатланиш ўз-ўзидан юракдаги қон айланишини тезлаштиради. Бир дақиқа ичида жирафанинг юрагидан 60 литр қон ўтишга улгурди. Аслида жирафанинг танасида ўн икки килограмм қон мавжудлигини олимлар ўз илмий текширувларида аниқлашган, бу соглом ва бақувват инсон қонидан уч маротаба кўпроқ дегани.

Жирафалар одатда вазмин ва оҳиста қадам ташлаб юради. Айтиш жоизки, Яратган ҳар бир жонзотнинг гавдасига яраша куч-кудрат ва ўзига хос хислатларни ато этган. Жирафалар чўчиб кетгандан ва бошқа сабабларга кўра, югаридиган бўлса, соатига 55 километр тезликка эришади. Ҳатто улар чопқир отларни ҳам кувиб ўта оларкан. Дараҳт шоҳларига бўй чўзиш ва насибасини териб ейиш жирафаларга муаммо эмас, қолаверса, улар 1 метру 85 сантиметрлик тўсикдан ошиб ўта олади.

Жирафаларнинг динг кулоқлари қоматига нисбатан анча кичик бўлса ҳам жуда яхши эшитади. Қоп-қора кўзлари бир километргача бўлган ма-софани аниқ кўради. Аммо энг қизиги, улар кўпинча оёқлари остидаги майдага жисмларни ил-фамай қолади.

Жирафалар айни кез Сахрои Кабирдан жанубда учрайди. Бир вакътлар уларни Шарқий ва Жанубий Африка чўлларида ҳам кузатиш мумкин эди. Қадимги Мисрда яшаган аҳоли Нил дарёси ва Ўрта ер денгизи қирғоқларини ўзлаштирган вақтлардан бошлаб, ёлғиз яшашни хушловчи "найнов"-лар кимсасиз саванналарга бош олиб кетишгани фанда асосланган.

Олимлар жирафаларнинг аждодларини излашга кўпдан буён иштиёқманд. Уларнинг асоси, таг-замини қайси мавжудотга бориб тақалишини ўрганиш бир фурсат бўлса-да тинчлик бермайди. Фанга "helladotherium" (хеллодесериум) деб киритилган жирафаларнинг устихони ўрганилганда, аввалда ҳам алоҳида жирафалар оиласи бўлгани

тасдиқланди. Улар бундан миллион йиллар илгари Европа, Осиё ва Африканинг деярли барча ҳудудларида учраганини ҳам мутахассислар аниқлашди. Шунчаки улар охусимон тузилишга эга бўлиб, бир-биридан бирор фарқланган. Асрлар ўтиши ва икlim ўзгариши туфайли жирафалар кескин камайиб кетди ва уларнинг фақатгина икки тури биз-

граммга яқин япроқни истеъмол қилади ва бир марта тўйиб овқатланган жирафа 16 соатдан 20 соатга қадар "туз totmai" бемалол юра олади.

Жирафалар танасининг ноқулигига туфайли ухлай олмайди, ёргу оламдаги барча жонзотлар орасида эҳтимол фақатгина жирафалар ортиги билан бир соат мизғиша керак. Сувсизлик ҳам жирафаларга у қадар хавф солмайди, танасидаги овқатнинг хисобига бир ҳафта чанқоқ нималигини билмайди. Лекин бир сув исса, тинимсиз равища 38 литр оби-ҳаётни "кўрдим" демайди...


Жирафалар одатда уюр-уюр бўлиб эмас, аксинча жуфтжуфти билан, онлари янги туғилган болалари билан ёлғиз балоғатга етса, олти йил де-юришади. Улар шу зайлда овқат ахтариб, 100 километр

да битта ҳомиладор жирафа битта бола туғади. Жирафа бо-ласи туғилган чогидаёқ 1,8 метр баландликка ва 50 килограмм вазнга эга бўлади. Орадан бир соат ўтиб, оёқса туради, яна бир қанча вақт ўтар-ўтмай, хуллас, бир куннинг ўзида кичкитой "олифта" шаталоқ отиб югуришни бошлайди. Койил!

Агар жирафа шохсиз туғилса, кейинчалик унинг ўрнидан қоп-қора соч ўсиб чиқади. Маълум вақт ўтиб, барибир шоҳчалари ўрнида тоғай ҳосил бўлади ва улар қотиб, ўса бошлайди, бу дамда соchlар ўз-ўзидан тўкилиб кетади.

Бир ярим йил ичида онасидан айро ҳолда яшашни бошлайди, тўрт яшарлигига балоғатга етса, олти йил де-гандан онаси ёки отаси қатори катта жирафага айланади.

## БАЛАНД НИГОХЛАР



гача яшаб қолди, холос. Булар — оддий жирафалар ва оқапалардир. Қазилмалар жа-рёнида жирафаларнинг энг қадимги асрларда палеотрагус (*Palaeotragus*) ва сиватерий (*Sivatherium*), Самотерий (*Samotherium*) сингари аждодлари мавжуд бўлгани тахмин қилинган.

Сутэмизувчилар оиласига мансуб жирафаларни новча жуссаси билан ерга эгилиб, бир қарич майсани чимдимлаб ейиш чарчатиб кўяди. Шунинг учун ҳам улар асосан дараҳт баргларини ва уларнинг шоҳшаббаларида ажралувчи крон(сарий минерал бўёқларни тановул қилиб, кун кечиришади.

Энг ажабланарлиси, "олифталар" акация япроқларини хуш кўришади. Мазкур дараҳтнинг тиканли барглари жониворларга мутлақо зиён қилмайди, чунки уларнинг тили ва оғиз қисми бунга тўлиқ мослашган. Жирафалар шу тариқа бир кунда тахминан 30 кило-

квадрат майдонни кезиб чиқади. Баъзан эса улар пода бўлиб ҳам юради, фақатгина бу ҳолат 4 тадан 32 тагача бўлиши мумкин. Бироқ таркиб тез-тез ўзгариб турди. Гурух бўлиб яшаш асосан янги ёш "оила"ларнинг оёқса туриб олгунига қадар давом этади. Ташки хавф-хатарни сезган пайтида жирафалар узок "қариндош"лари бўлмиш: антилопалар ва зурлар подаси билан кўшилиб ҳам юраверади. Икки ёш эркак жирафа тўқнаш келганда бошини бир-бираiga тўқнаштириб голибни аниқлайди. Ушбу муҳорабадан сўнг қайсицир жирафа хотирасини, "аклу хуши"ни йўқотиши мумкин экан.

Шундай баҳайбат бўлишига қарамай, жирафалар деярли овоз чиқармайди. Фақатгина бир-бири билан мулокотга киришганда, қандайдир 20 Гцга яқин товуш чиқарди, бундай паст овозни одамлар илгамайди.

Жирафанинг дунёга келиши учун 14-15 ой керак. Одат-

Уларда ўсиш ва ривожланиш шундайин тез суръатларда рўй беради. Ёввойи шароитдаги жирафаларнинг ўртача умри 25 йилни ташкил этади. Айрим ҳолларда эса тахминан 35 йил умр кечирган жирафаларга ҳам дуч келиш мумкин.

Жирафалар йиртқичлардан у қадар ҳайиқмайди, боиси уларнинг асосий ҳимоячиси бўлмиш — олд туёқлари тошдек қаттиқ. Айрим пайтларда боши билан ҳам зарба бериши мумкин. Аммо баъзан мана шу эҳтиётсизлиги учун жирафалар панд ейишади. Кўриқхоналардан бирида кузатилган воқеа хусусида тадқиқотчилар ҳанузгача гапириб юришади.

Оч шер жон-жаҳди билан сакраб, жирафанинг бўйнидан тишлиб олади ва маҳв этади. Бундай мудхиш ҳолат одатда кўпроқ она жирафалар ёш болаларига меҳрибонлик қилаётган вақтда юз беради. Кичкитой жирафаларнинг 25-50 фоизигина шер, қоплон, сир-

**Bilasizmi?**

.....  
тлон ва ёввойи ит қуткусидан сақланиб, омон-эсон вояга етади.

Одамзод илк маротаба жирафани қачон учратгани ҳақида аниқ маълумотни келтиришнинг имкони йўқ, лекин қачон овлай бошлаганини тахминан идрок этиш мумкин. XV асрдаёқ Шимолий Африкада яшайдиган жирафаларни римликлар ва греклар овлашарди. Баъзан файритабии махлуқдан ҳатто Колизейда томошалар ўюшириш учун ҳам фойдаланиб туриларди. Римликлар жирафаларни "camelopardalis" деб аташган, бу тиявоти қоплоннинг чатишмаси, деган маънони билдиаркан. Хар қалай италянлар жирафа шу зайлда пайдо бўлганига ишонишган.

Жирафалар гўшти учун овланмайди. Европада қачонлардир яшаб, кейин қирилиб кетган жирафалар ўша даврларда европаликлар учун "мъжиза"нинг ўзи бўлиб туоларди. Африкаликлар эса уларни чуқур ҳандақлар қазиб, тузокка туширишган. Жирафаларнинг узун оёқ пайларидан ип ҳосил қилиб, камон ёки мусикий асбоб ясашда фойдаланганлар, терисидан кийимлар тикишган. Жирафанинг терисидан тикилган кийимни африкаликларнинг олий табақа вакиллари кийишган, холос.

Буғунги кунга келиб, Ер шарида мавжуд жирафаларнинг умумий сони тахминан 110 000—150 000ни ташкил этади. Хусусан, Серенгети қўриқхонасида ҳозирда 13 мингта жирафа асраб-авайланмоқда. Қолаверса, дунёнинг энг муҳташам цирклари ва зоопаркларида уларни учратиш мумкин.

Яшаш жойи ва танасидаги айрим ноўхашликларга қараб, одатий жирафалар 9 турга ажратилади, улар алоҳида турларнинг бир-бири билан чатишуви самарасидир. Нуб жирафалари (*camelopardalis*, Судан шарқи ва Эфиопия гарбидан), гарбий Африка жирафаси (*peralta*, оддин гарбий Африканинг барча ҳудудида яшаган, ҳозирги кунда фақатгина Чадда), кордофан жирафаси (*antiquorum*, Судан гарби ва Марказий Африкада), тўрсимиш терили жирафалар (*reticulata*, Кения шимоли ва Сомали жанубида), Уганда жирафаси (*rothschildi*), масай жирафаси (*tippelskirchi*, Кения жанубида, Танзанияда), торникрофт (*thornicrofti*, Замбияда), Ангола жирафаси (*angolensis*, Намибия ва Ботсванада), Жанубий Африка жирафаси (*giraffa*, ЖАР, Зимбабве ва Мозамбикда) — ана шу аралашиб кетган наслларнинг номларидир.

Бир сўз билан айтганда, жирафалар тирикликтининг бизанглаб-англамаган чинакам мъжизаларидан биридир. Улар ўзининг ҳеч бир ҳайвонни тақоррламаслиги, алоҳида хусусиятларга эгалиги билан-гина эмас, шунчаки баланд бўйга эга экани билан ҳам бизни бемалол ҳайратга солади.

**Зоҳиджон ХОЛОВ**  
**тайёрлади.**

Tadqiqotchi ulkan dengiz sut emizuvchilar o'z tanalarida to'qqiz million tonnaga yaqin uglerodni «saqlashi» mumkinligini hisoblab chiqgan. Kitlarning nobud bo'lishi esa uglerodning havoga chiqib, karbonat angidridga aylanishiga olib keladi.



## ГЛОБАЛ ИСИШ «ЁРДАМЧИЛАРИ» КИМ?

Ишлаб чиқариш ёки саноат мақсадларидаги китларни овлаш глобал исиши жараёнини тезлаштираш экан. Бундай фикрни океанолог Жейсон Грин илгари сурмокда. У бу борадаги қараашларини Портленд (Орегон штати)да бўлиб ўтган Америка геофизика жамияти олимларининг йилишида баён этди, деб ёзди «Ворлд геофизикс» журнали.

Тадқиқотчи улкан дengiz sut эмизувчилари ўз таналарида тўқиз миллион тоннага яқин углеродни «сақлаши» мумкинлигини хисоблаб чиқсан. Китларнинг нобуд бўлиши эса углероднинг ҳавога чиқиб, карбонат ангидридга айланисига олиб келади. Аниқланишича, бу дengiz ҳайвонлари ҳаёт пайтида таиласида углеродни жуда яхши «тутиб» тура олади. Улар ҳатто нобуд бўлишганидан сунг ҳам танасидаги углероднинг катта кисми атмосферага чиқмайди. Сабаби, ўлган китнинг танаси дengiz қаърига чўканидан сунг озука бўлади. Сўнгги ўн йиллар мобайнида углеродларнинг бу каби «табии омборлари» инсонлар томонидан аёвсиз овланаётганди. Шундай бўлса-да, ҳозирда ҳаёт кечираётган китлар танасида худуди 11 минг квадрат километрга тенг ўрмонлардаги каби ҳажмда углерод бор.



Мутахассиснинг таъкидлашича, кит овчилиридан ташқари яна кемаларда ишлатиладиган сонарлар ҳам ҳайвонлар ҳаётига зомин бўлмоқда. Маълумот ўринда айтиш жойизи, сонар бу акустик нурланиш ёрдамида сув ости обьектларни аниқлаш учун фойдаланиладиган овозли воситадир. Гарчи ҳалигача сонарлар айнан қай бир сабаб туфайли китларни нобуд килаётгани маълум бўлмаса ҳам, уларнинг салбий таъсири инкор этилмаяпти. Биргина мисол: 2008 йили Буюк Британия Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилган изланишлардан маълум бўлди, китлар со-

нарлардан фаол равишда фойдаланилган ҳудудда бўлгандан сунг бир-бiri билан маҳсус сигналлар орқали мулоқот қиласлиги ва озука қидирмаслиги кузатилган.

## «ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИДАГИ ЮТУГИ УЧУН»

Чикаго шаҳридаги «Аква» биноси ичидаги меҳмонхона ва турар жой мажмуаси ўрин олган бўлиб, у 2009 йилнинг энг яхши осмонўпар биноси сифатида эътироф этилди. Бу каби иншотларнинг рейтинги эса Германиянинг «Эмпорис» кўчмас мулк обьектлари бўйича маълумотлар банки томонидан тузиленган. «Ин-депендент» газетасида айтилишича, мазкур мукофот архитекторларга дизайн йўналишидаги ютуғи ва архитектура маҳсулнинг ўзига хос кўриниши учун берилади.

Ажойиб дизайнинг қарамай, баландлиги 250 метрга тенг ушбу бино Чикаго шаҳрининг умумий манзарасидан у даражада фарқланиб ёки ажралиб турмайди. Буни танлов комиссияси ҳам таъкидлади. Ҳакамларнинг сўзларига қараганда, архитекторлар бинони куришда шундай бир оқил тўхтамга келишганки, натижада узоқдан оддий бўлиб кўринадиган бино яқинлашган сари ажабтовор, суюклика ўхшаш кўринишда намоён бўлади. Бу иншоот ёнидан ўтиб кетаётган йўловчиларнинг катта қисмiga мўъжизадек туолар экан.

Танлов ташкилотчилари «Аква» биноси лойиҳаси навбатдаги авлод баланд турар жой ва меҳмонхона бинолари курилишининг янгича стандартларини кўрсатганини ҳам алоҳида таъкидлаши. Шу билан бирга, комиссия томонидан ўринга Дубайдаги 23 қаватли «O-14» минораси, учинчи погонага эса Бангкокдаги «Мэт» турар жой мажмуаси лойик, деб топилган.



## Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган умумтаълим мактабларининг 3-, 8-, 9-синфлари учун 2010–2011 ўкув йилида чоп этиладиган дарслерлар ва ўкув-методик мажмуаларни танлов асосида танлаб олиш бўйича ғолиблар РЎЙХАТИ

Дарслерлар номи	Таълим тили	Муаллифлари	ва ҳисоблаш техникаси асослари 8-синф	тилларда олиб бориладиган мактаблар учун	А.Абдуқодиров, А.Азаматов, Т.АЗларов.
Ўзбек тили 3-синф	Таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун	А.Рафиев, Г.Мухаммаджанова, Г.Зиямхамедова.			
Чизмачилик 8-синф	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун	И.Раҳмонов	Чизмачилик 9-синф	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун	И.Раҳмонов
Физика 8-синф	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун	П.Ҳабибуллаев, А.Бойдедаев, А.Баҳромов, М.Юлдашева	Физика 9-синф	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун	П.Ҳабибуллаев, А.Бойдедаев, А.Баҳромов, М.Юлдашева
Информатика	Таълим ўзбек, рус ва қардош	Б.Болтаев,	Ўзбекистон тарихи 9-синф	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун	С.Тиллабоев, А.Замонов.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

### ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ 2010–2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН ЎҚУВ МАШГУЛОТИ ВА РЕЙТИНГ ДаФТАРЧАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БҮЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**№: ЎМКХТМ-ЎМЖ-РД 01/2010**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази 2010-2011 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун ўқув машгулоти ва рейтинг дафтарчаларини тендер савдолари (кейинги ўринларда — Тендер) ўтказиш орқали харид қиласиди.

Тендер ўқув машгулоти журнали ва рейтинг дафтарчаларини арzon ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнэс субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар Тендер комиссияси томонидан тендерда иштирок этиши истагини билдирган талабгорлар саралаш танловидан ўтказилади. Шунинг учун талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- талаборнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;
- талаборнинг қайта ташкил этиши ёки тутатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатта олиш идорасидан маълумотнома;
- талаборнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатта олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;
- талаборнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солик инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;
- ўзлон берилган даврда талаборнинг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

#### Қўйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиши учун қўйилмайди:

- қайта ташкил этиши, тутатилиш ёки банкротлик жараёнида бўлган;
- малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

- Тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

- лотлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;

- тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича Тендер талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Саралаш танловини ўтказиш Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хомашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳукуқига эга.

Талабгорлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан қўшимча маълумот олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари тошлишишнинг охирги кунига қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 18:00гача қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

#### Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

##### Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

Янги авлод дарслклари ва ўқув-методик адабиётлар яратиш бўлими

Манзил: Тошкент шаҳри, Чимбой кўчаси, 96-й. Телефон: (+998 71) 246-27-11, 246-14-87, 246-14-91.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300000 (уч юз минг) сўм миқдоридаги қайтарилишдан тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олиниади:

Махсус ҳисоб рақами № 20203000903761981001, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО: 00423, ИНН: 202515618. ОКОНХ 92120

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги закалат билан таклиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир лотлар(маҳсулотлар) учун алоҳида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 2 апрель соат 12:00га қадар Янги авлод дарслклари ва ўқув-методик адабиётлар яратиш бўлимига тошлишиш шарт.



Шундай қилиб, Канаданинг Ванкувер шаҳрида бир неча кун олдин старт олган 21-кишиги олимпиада ҳам ўз ниҳоясига етди. Спортнинг 15та тури бўйича ўтказилган мусобақаларда 86ta медаллар тўплами ўз эгаларини топди.

Ўзига хос воқеликларга ва кутилмаган ҳодисаларга бой тарзда ўтган навбатдаги "оқ олимпиада"нинг сўнгги кунида конъкида югуриш бўйича аёллар ўртасида жамоавий биринчилик финали ўтказилди. Унда

Карл лойиқ топилди. Кучли учликни француз сноубордингчиси Матье Боззетто якунлаб берди.

Тоғ чанғиси спорти бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган слалом беллашувларида италиялик Жулиано



стартда норвегиялик Петтер Нортуг марра чизигига ҳаммадан олдин етиб келган бўлса, ундан сўнг бирин-кетин Аксель Тайхманн (Германия) ва Юхан Ольссон (Швеция) финишни кесиб ўтди.

Ва ниҳоят, "оқ олимпиада"га ўзгача шукух бағишилаган хоккей (эркаклар) мусобақасининг финалида АҚШ ҳамда Канада жамоаси куч синашди. Эсингизда бўлса, аёллар хоккей жамоалари ўртасида бироз аввал ниҳояланган биринчиликда ҳам американликлар билан мезбонлар финалгача етиб келган, канадаликларнинг кўли баланд келанди. Эркаклар ўртасида ўтказилган хоккей матчлари финалида "оcean опти" вакилларига реванш олиш насиб этмади, канадаликлар кўшиларини 3:2 хисобида доғда қолдирди.

Умумжамоа хисобида Канада (14та олтин, 7та кумуш, 5та бронза) 1, Германия (10, 13, 7) 2 ҳамда АҚШ (9, 15, 13) 3-уринга муҳорланди.

#### 3.ХОЛОВ



Чанғида учиш бўйича ташкиллаштирилган (50 км.лик масофага классик усулда) масс-

Ращоли олтин медаль соҳибига айланган бўлса, Ивица Костелич (Хорватия)га кумуш ва Андре Мюрер (Швеция) га бронза медаль насиб қилди.

Шу куни бобслей бўйича эркаклар ўртасида кечган тўртталик мусобақаларида американликлар 1, немислар 2 ва мезбонлар 3-

та комил инсон тарбиясига йўналтирилиши маълум. Александр Грибановскини ана шундай имкониятлардан ўринли фойдаланиб, юқсан мэрраларга интилаётган ўшлардан бири, деб биламан. У қатор турнирларда бир неча мэртаба чемпионликни кўлга киритган. Келажакда унинг халқаро миқёсда ҳам тан олинишидан умидворимиз.

Александр спорт билан шуғулланиш баробарида билим олиш, ўқишга ҳам жиддий эътибор қаратади. Ҳозир Тошкент давлат техника университетининг 2-курсида таҳсил олаётган машғулотларни янада кучайтириб, жорий йилда ўтадиган «Универсиада» спорт мусобақаларига ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

**Фарруҳ ЮСУПОВ,  
ЎзДЖТУ халқаро  
журналистика факультети  
талабаси**

— Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтадиган ҳар бир тадбир бевоси-

## Sport darvozasi

### НЕСТА ҲАЛИ КЕРАК

Футбол бўйича Италия миллий терма жамоаси бош мураббийи Марчелло Липпи «Милан» клуби ҳимоячиси Александро Неста жорий йил ёз ойида ЖАРда бўллиб ўтувчи мундиали бормаслигини маълум қилди, деб ҳабар тарқатди "Гол.ком" интернет нашри.



Липпининг айтишича, 2007 йили ёз терма жамоа билан хайрлашган футболчининг ўзи айнан шундай қарорга келган. 2009/10 йилги мавсумда Неста Италия чемпионатида 21 учрашувда майдонга тушиб, унга гол киритишга ҳам муваффақ бўлди. Ҳимоянинг спорт формаси аъло даражада. Балки шунинг учун бўлса керак, минглаб мұллапар Нестанинг терма жамоага қўйтиб, ватандошларига ёрдам берисини истаси моқда. Фаолиги мобайнида 33 ёшли Александро терма жамоа либосида 78 ўйинда қатнашган ва 2006 йили жаҳон чемпиони, деган номга сазовор бўлган. У терма жамоа таркибида охири марта 2006 йилнинг октябрiddа Грузияга (3:1) қарши тўп сурғанди.

### ФРЕС ЖАНГГА ТАЙЁР

Америкалик боксчи Фрес Окендонинг менежери Том Цатас шогирди WBC (Бутунжоҳон боксчилар уюшмаси) таснифига кирувчи чемпионлик камари соҳиби украиналик Виталий Кличкога қарши рингга тайёр эканини билдирган. Бу ҳадда "Boxingscene" интернет нашри ҳабар тарқатди.

Цатаснинг таъқидлашича, мазкур қарор Кличконинг рус спортчи Николай Валуев билан бўлиши кутилган жангни бекор қўлганидан кейин пайдо бўлган. Украиналик боксчиди шунинг билан унга раҳбардан бирини ташлаш имкони пайдо бўлмоқда. Булар: америкалик Жеймс Туни, кубалик Одланъер Солис ва Окендо. Цатас бунга ҳам изоҳ бериб ўтаркан, Солис профессионал рингда бор-йиғи 15та муштлашув ўтказганини ва ҳали Кличкогача бошқа жангларда тажриба тўлпили лозимлигини айтган.

Туни ва Окендо ўртасидаги фарқа тўхтасак, улар 2008 йили декабрда ўзаро рӯбару келган ва ўшанды Туни зафар қўнганди. Бироқ Цатас буни ноҳақлик натижаси деб баҳолаган. 36 ёшли Окендо жами 37ta жанг ўқазиб, уларнинг 32тасида галаба қозонган. Хабарингиз бўлса, у яқиндагина американлик боксчи Деметрис Кинг билан рингга тушиб, уни додга қолдирғанди.

### АЛИСАНИНГ ИЛК СОВРИНИ

Россиялик теннисчи Алиса Клейбанова йирик халқаро мусобақалардан биринда шоҳсулага кўтарилиди, деб ёзди "Рейтерс" ахборот агентлиги. Айтиш жоизки, мазкур чемпионлик соврини Алисанинг фаолияти давомидаги биринчи совринидир.

Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган "WTA Malaysian Open" (Малайзия Очиқ чемпионати) финалида уяна бир номдор ватандоши Елена Дементьевага қарши кортга чиқди. Очиги, барча кейнинг вақтларда жаҳоннинг биринчи раками ракетчиларини ҳам аямасдан, кепма-кет халқаро турнирларда зафар қўчайтиган Еленининг муваффакияти шубҳа қўймаётган эди. Лекин иккى сет давом этган қизғин беллашувдан сўнг шоҳсулага Дементьевага эмас, аксинча, Клейбанова кўтарилиди. У тажрибали ракибасини 6:3, 6:2 хисобида маглубиятга учратди. 20 ёшли Клейбанова дунё рейтингидаги 29-погонада турган бўлса, 28 ёшли Дементьевага 7-ўринда қайд этилган.



### ЖОРДАН КЛУБ СОТИБ ОЛДИ

Машхур баскетболчи Майкл Жордан сармоядорлар гурухи етакчиси сифатида "Charlotte Bobcats" клуби акциясининг назорат пакети эгасига айланди, деб мавзумот берди "Си-Эн-Эн". У бунга қадар мазкур жамоанинг миноритар пакетини ҳам кўлга киритишга улгурганди.

Савдо Миллий баскетбол ассоциацияси (МБА)нинг бевосита ўқлаб-куватлари асосида ўтказилган. Бироқ пакет қанчага согилган ҳақидаги маълумот бирорта манбада аниқ берилмаган. "Charlotte Bobcats" жамоаси 2004 йили ташкил этилган бўлиб, МБАнинг 30-жамоасидир. Клуб раҳбарияти ва жамоа Шарлотт шахрида, Шимолий Каролина штатида жойлашган. Жордан фаолияти мобайнида "Чикаго Буллс" таркибида 6 марта МБА чемпиони бўлган, 1992 йили Барселонада ўтказилган Олимпиадада олтин медални кўлга киритганди.



## «ВАНКУВЕР»ДАН КЕЙИН БАҲОР БОШЛАНДИ

*Qishki Olimpiada yakunlari*



германияликлар 1, японияликлар 2 ва польшиликлар 3-ўринни банд этишиди.

Сноубординг (параллел гигант слалом) баҳсларида эркаклар ўртасида канадалик Жейси Жей Андерсонга тенг келадигани бўлмади. Кумуш медалга австриялик спортчи Бенжамин

Ращоли олтин медаль соҳибига айланган бўлса, Ивица Костелич (Хорватия)га кумуш ва Андре Мюрер (Швеция) га бронза медаль насиб қилди.

Шу куни бобслей бўйича эркаклар ўртасида кечган тўртталик мусобақаларида американликлар 1, немислар 2 ва мезбонлар 3-

## ЧИНАКАМ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ

Фақат соғлом вужуд ва соғлом фикрли ўшларгина турли қийинчиликларга дош бериб, комиллик йўлидан дадил боради. Бунинг учун ҳар бир ўшнинг бирор спорт тури билан мунтазам шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Ана шундай ҳаракатчан ва ютуқларига ҳавас қиласа арзигулик ўшлардан бири сузиш бўйича республика чемпиони Александр Грибановскийдир.

Спортчингин ютуқларга эришишига тинимсиз интилиши ва иродаси сабаб бўлмоқда. Чунки сузиш фойдали бўлиш билан бирга, унинг ўзига яраша қийинчиликлари борлиги кўпчиликка маълум. Александр 9 ёшидан бошлаб спортнинг чалқанча сузиш тури билан шуғулланди. Бунинг натижаси ўлароқ, у 2009 йилнинг май ойидаги ўтказилган республика чемпионатида мураббийи Наталья Духанова кўмагида азалий орзуси — голибликка эришиди.

Айни кунда Александр пойтахтимиздаги «Саховат» сув спорти мажмуасида ўтказиладиган машгулотларга мунтазам равишда қатнайди. Сув ҳавзаси директори Қобилжон Нурматов у ҳақда шундай фикр билдири:

— Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтадиган ҳар бир тадбир бевоси-

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида амалга оширилаётган ОТБ УЗБ-2380 Қишлоқ мактабларида умумий ўта таълимни ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш гурухи Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида тренинглар ўтказиш учун Маҳаллий консалтинг компаниясига конкурс танлови бошланишини эълон қиласди.**  
Танловнинг биринчи этапида иштирок этиш учун компаниялар ОТБнинг Қатнашиш Истаги стандарт шаклида маълумот беришлари лозим.  
Техник Вазифалар ва Қатнашиш Истаги шаклини олиш учун <http://www.adb.org> ёки [usb-2380@inbox.uz](mailto:usb-2380@inbox.uz) манзилига мурожаат қилиш мумкин.  
Хужжатлар 3.03.10дан 2.04.10гача қабул қилинади.



*Endi kurtak ochayotgan daraxt, nish otgan maysa, bosh ko'targan boychechak, o'ziga in qurayotgan qaldirg'och, oppoq bo'lib gullagan o'rik daraxtlari — bularning barini, ya'ni erta bahorni bolalikka qiyoslash mumkin.*

**Ma'rifat —**  
2010-yil 3-mart

## ТАШРИФИНГ МУБОРАК

Юртимда баҳор. Ям-яшил ранглар жилоси қалбимга алланечук хотиржамлик баҳш этади. Бу йил тинимсиз ёқсан ёмғир мени жуда кувонтириди. Ёмғир тиниши билан осмонда пайдо бўладиган камалакнинг шайдосиман. Ҳар гал тиник осмонда етти хил ранг ҳозир бўлишини кўриб, табиатнинг энг яхши мусавир эканлигига амин бўлади киши. Олимлар буни табиий жараёнлар билан боғлашади. Бирок мен учун у ҳақиқий мўъжизага ўҳшайди. Оддий қилиб айтганда, бу баҳор, фусункор баҳор, рангларга бой баҳор, ям-яшил баҳор...

Кўчада кувнаб ўйнаб юрган болага, соchlари қирқ ўрим қизалоқнинг беғубор юзига ўҳшайди баҳор. Энди куртак очаётган дарахт, ниш отган майса, бosh кўтарган бойчечак, ўзига ин кураётган қалдирғоч, оппок бўлиб гуллаган ўрик дарахтлари — буларнинг барини, яъни эрта баҳорни боялика киёслаш мумкин.

Баҳор — худди менинг мунига онамга ўҳшайди. Онам юрагимда эртанги кунга умид, ишонч ўйғотади. Кўклам ҳам худди шундай. Янгила-

нишларни кўриб, қалбимда орзулашим ушалишига илинж пайдо бўлади. Баҳор ҳар бир инсоннинг юрагида янги орзу-ниятлар учқунланишига кўмаклашади.

Баҳор — соддадил бувимнинг ўзгинаси. Ҳар тонг ариқ ёнида кўйилган сўрида ўтирганча, оппок бўлиб гуллаган ўрик дарахтларига соатлаб тикилади. Бу гўзалликларни кўриб кувонади. Ҳар кулганида 50 ёшга яшариб қолгандай бўлади, гўё. Болаларники

каби беғубор кўзлари билан атрофга назар ташлар экан, кўкламга етказгани учун шукроналар айтади. Шу боис гуллаган ўрик дарахтларига қараб бувимни ёдга оламан. Улар бувижоним каби мени узундан-узоқ дуо қилаётгандай туюлади, назаримда.

Баҳор — ўзимни унга ўҳшатим келади. У каби ҳар доим одамларга яхшилик улашсам дейман.

Юртимга хуш келдинг — ёшлик, гўзаллик, беғуборлик фасли.

**Зебинисо МУРОДОВА,  
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика  
факультети  
1-босқич талабаси**

## ЮРТИМГА, БАҲОР!

O'za va internetdan olingan suratlari.

**Ma'rifat**

**TA'SIS  
ETUVCHILAR:**  
O'zbekiston Xalq ta'limi  
vazirligi, O'zbekiston Oliy  
va o'rta maxsus ta'lilm  
vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim va fan xodimlari  
kasaba uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini  
vaqtinchalik bajaruvchi:  
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV,  
Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid  
DO'STMUHAMMEDOV, Akmal  
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda  
MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan  
NISHONOV (bosh muharrir o'rinosari),  
Abdusamat RAHIMOV, Nurlan  
USMONOV (bosh muharrir o'rinosari,  
"Учитель Узбекистана"), Aleksey  
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida  
№ 0067 raqam bilan  
ro'yhatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-222.  
Tiraj 46913.

Hajmi 8 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Zilola RUSTAMOVA.  
Navbatchi:  
Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan  
materiallar muallifiga qaytarilmaydi.  
belgisi ostida reklama materiallari berilladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta  
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,  
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi  
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalarini hayoti  
yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan  
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,  
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,  
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vagi — 21.00.  
Topshirildi — 22.30.  
ЎзА якуни — 21.00